Ўзбекистон овози

Кундалик ижтимоий-сиёсий рўзнома

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 199 (21. 066) 1991 йил 12 октябрь, шанба ● Йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.



ҒАЙРАТ-ШИЖОАТИНГИЗГА БАЛЛИ, АЗАМАТ ПАХТАКОРЛАР!

Бу бригада давлатга кўп ва юқори сифатли пахта топширганлиги учун бундан уч йил илгари Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги Ютуқлари кўргазмаси томонидан бепул «Нива» енгил автомашинаси билан тақдирланган эди.

— Раҳматилла Шодмонов бошлиқ бригаданинг бу йил ҳам омади келди, — дейди колхоз раиси Нормўмин Соҳибов. — 80 гектар ернинг ҳар гектаридан ўртача 32 центнердан уруғлик пахта ҳосилини йиғиштириб олиб, биринчилар қатори маррадан ўзиб кетди. Ҳали пайкаллар нинг ярмига қўл урилмаган.

Далаларда қайноқ меҳнат авжида. 20 гектарлик пайкалда 70 нафар теримчи ғайрат билан ишламоқда. Уларнинг қўли-қўлига тегмайди.

— М. Абдиеваман, — дея ўзини таништирди ўрта ёшлардаги аёл. — Қарийб йигирма йилдан бери пахта тераман. Ҳар килограмм пахтага уч тийиндан олган пайтларимиз ҳам бўлган. Президентимизга минг раҳматки, меҳнатимизни қадрлади. Терган пахтамизнинг килограммига 40 тийиндан ҳақ олаяпмиз. Қизим Шаҳноза билан ўн кунликда 3 тонна пахта тердик. 1200 сўм бердиши.

Раҳматилла Шодмонов бирбиридан чевар Д. Бозорова билан М. Абдумуродоваларни таништирди. Улар қўлда кунига 300—350 килограммдан пахта териб хирмонга барака киритишаётган экан. Ҳар бири мавсумда 12 тоннадан пахта теришга аҳд қилган бу пахтакорларнинг хирмони 4,5—5 тоннадан ошибди.

Косон районидаги Ленин номли жамоа хўжалигининг Т. Тиловов, Ҳ. Бобомуродов, Ҳ. Дўланов, Ш. Тўқлиев бошлиқ бригадалари ҳам бир неча кунлардан бери мажбурият ҳисобига пахта топшир моқдалар. Колхозда уруғлик пахтани қўлда териш билан бирга икки минг тонна ҳосилни машинада теришга қарор қилинган. Шу боисдан ҳам механизаторлар тиним билишмаяпти. Айниқса Ғ. Бўриев, Ж. Соҳибов, Я. Холбоев, М. Равшанов каби дала гвардиячилари ҳозиргача 120 — 130 тоннадан пахта теришди.

Биз бу йил районнинг тўртта хўжалигидаги 23 минг тонна пахтани қабул қилиб олишга бел боғлаган Ўлмас пахта тайёрлаш пунктида бўлганимизда Ленин номли колхоздан ҳар куни 5,5—6 фоиз миқдорида сифатли хом ашё келтирилаётганлигини айтишди. Шундоққина пайкаллардан жамоа хўжалиги ихтиёридаги мазкур қабул пунктига келаётган пахта ортган тележкаларнинг кети узилмайди. Пахта қанчалик эрта терилиб омборларга топширилса, навга ҳам зиён етмайди.

— Пахта харид нархининг ошганлиги қувончимизга-қувонч қўшди, — дейди жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Нормўмин Соҳибов. — Ўтган йили 8,5 миллион сўм даромад қилган бўлсак, бу йилгиси 15 миллион сўмдан ошиши мўлжалланмоқда. Соф фойда беш миллион сўм бўлади. Шунда жамоа аъзоларининг ўртача ойлиги 500 сўмдан тушади.

Даромаднинг 40 фоизини иш ҳақига берамиз. 60 фоизини шу маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ва қишлоқларни ижтимоий юксалтиришга сарфлаймиз. Ўлмас қишлоғи кўчалари тўлиқ асфальтланади. 380 ўринли мактаб, 400 ўринли қишки клуб, иккита магазин, болалар боғчаси қурилади.

Жамоа хўжалиги бошқаруви илғор теримчиларни, механизаторларни ва бошқаларни рағбатлантиришга алоҳида эътиборни қаратганлигини, жумладан, таҳририят билан шартнома асосида 200 нафар кишини хўжалик ҳисобидан «Ўзбекистон овози»-рўзномасига 1992 йил учун бепул обуна қилишга қарор берилганлигини таъкидлади.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДАРОМАД ИККИ ҲИССА ОШАДИ

ТАҲРИРИЯТДАН: рўзнома саҳифалари таҳланаётганда Қашқадарё вилоятидан хушхабар келди. Косон районидаги Ленин номли жамоа хўжалиги пахтакорлари йиллик пахта тайёрлаш режасини бажаришди. Мавжуд 1100 гектар ердан режадаги 2950 тонна ўрнига 3 минг тоннадан кўпроқ 108 —Ф навли пахта топширилди. Шунинг 2 минг тоннаси уруғлик пахта. Меҳнат аҳли ялпи хирмонини 4 минг тоннага етказиш учун курашмоқда.



СУРАТЛАРДА: Косонсой районидаги Ленин номли колхозининг илғор пахта теруучилари Дилфуза Бозорова, Мастура Абдиева ва Мейла Абдулмуродова. Ўнгдаги суратда эса Ўлмас пахта тайёрлаш пунктининг илғор ишчиси Шуҳрат Ҳайитов акс этган. Қуйидаги суратда эса Косонсой районидаги 23 минг тонна «оқ олтин»ни қабул қилиб олишга мўлжалланган «Ўлмас» пахта тайёрлаш пунктининг умумий кўриниши тасвирланган.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

ДАВОН ОШИБ

Олот ва Бухоро районлари республикада биринчи бўлиб йиллик режани бажаришди

ОЛОТ

Бухоро («Ўзбекистон овози» мухбиридан телефон орқали).

Ўзбекистон республикаси мустақиллиги эълон қилинганидан руҳланган Олот райони пахтакорлари 8 октябрда ғалаба маррасига эришишди. Пахта тайёрлаш йиллик режаси ортиғи билан адо этилди.

Район пахтакорлари давлат қабул пунктларига 31300 тонна юқори сифатли ҳом ашё топширдилар. Шунинг 12400 тоннаси машиналар бункеридан тўкилди.

БУХОРО

9 октябрда эса Бухоро райони «оқ олтин» усталари йиллик режани адо этишди. Ҳар гектар ердан 30 центнердан хирмон кўтаришди. Давлат қабул пунктларига 34600 тонна ҳосил топширилди. Бунинг 14 минг тоннаси машиналар билан йиғиштириб олинди.

Бухоролик пахтакорлар мажбурият ҳисобига яна 5400 тонна пахта топшириб, умумий хирмонни 40 минг тоннага етказишга аҳд қилишди.

* * *

Умуман, Бухоро вилояти пахта далаларида терим суръати сусаймаяпти. Кўплаб хўжаликлар, райсиқар бирин-кетин йиллик режани уддалашмоқда. Айни маҳалда Ромитан райони пахтакорлари рапорт беришга ҳозирлик кўришяпти.

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

АНГОР

Ангор райони пахтакорлари Сурхондарё вилоятида биринчи бўлиб йиллик маррани эгаллашди. Мавжуд 8820 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31 центнердан сара ипак пахта олинди. Давлатга 27 минг тоннадан зиёд қимматбаҳо хом ашё сотилди.

Шуниси қувончлики, ҳосилнинг ҳаммаси юқори сортларга қабул қилинди. 13 минг тоннадан зиёд ипак пахта «зангори кема»лар бункеридан тўкилди.

Ш. ҲАЙДАРОВ.

БАҲОРИСТОН

БАҲОРИСТОН. Давлат қабул пунктлари қўрғ район чўлқуварларидан 21500 тоннадан ортиқроқ сифатли пахта қабул қилиб олди. Ҳосилнинг 75 фоизи машиналар бункеридан бўшатилди.

— Район пахтачилиги тарихида бундай қувончли саналар кам бўлган, — деди халқ депутатлари район Кенгаши ижроия қўмитасининг раиси Я. Сапаров. Бу муваффақиятга режани уч баравар ошириб адо этган «Олтин бошоқ» ҳамда «Ўзбекистон» давлат наслчилик заводи ва 35-давлат хўжалиги аршунослари салмоқли улуш қўшишди.

Ҳ. ПИРИМҚУЛОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида

АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ЖИҲАТДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ—АСОСИЙ ЙЎНАЛИШ

Илгари хабар қилганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида селектор Кенгаши бўлиб ўтган эди.

Кенгашда республика иқтисодиётида ишларнинг аҳволи мураккаблигича қолаётганлиги таъкидланди. Хўжалик алоқаларининг издан чиққанлиги, хом ашё, материаллар, бутловчи буюмларнинг йўқлиги республикадаги юзлаб саноат корхоналарини қийин аҳволга солиб қўйди. Буларнинг ҳаммаси одамларнинг турмуш даражасига таъсир қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига, Меҳнат вазирлигига, Ижтимоий таъминот идораларига аҳолининг кам таъминланган табақаларини ҳисобга олиши, уларга ўз вақтида компенсация, нафақа ва пенсия тайинлаб, тўла ҳажмда тўланишини таъминлаши лозим бўлган бир қанча корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар қониқарсиз ишлаётганлигидан шикоятлар тушмоқда.

Деҳқон ва фермер хўжаликлари, кооперативлар, кичик корхоналарда меҳнаткашларга, ишлаётган пенсионерларга пул тўлашда жиддий хатоларга йўл қўйилмоқда. Республика бюджетидаги кескинликка қарамай ҳукумат компесациялар, пенсия ва нафақалар тўлаш учун маблағ топа билди, жойларда эса раҳбарларнинг лоқайдлиги, баъзан эса ҳатто уларнинг ҳеч қандай иш қилмаётганлиги оқибатида бу маблағлар ўз вақтида ва тўла ҳажмда тақсимланмаяпти. Селектор орқали ўтказилган кенгашда жойлардаги раҳбарларнинг сусткашлигини кўрсатувчи мисоллар келтирилди. Бундай сусткашлик оддий кишиларнинг турмушига таъсир қилмоқда. Масалан, Каттақўрғонда саноат корхоналарининг уч мингдан ортиқ ишчиси уч ойдан буён компенсация ололмаяпти. Наманган вилоятининг Чортоқ район соғлиқни сақлаш бўлимида тўрт ойдан буён компенсация тўланмаяпти. Қорақалпоғистон республикасида 323 хўжалик бўлинмалари, асосан қишлоқ бўлинмалари ходимлар ва уларнинг оилаларига нафақа ва компенсация тўлашни кечиктирмоқда.

(Давоми иккинчи бетда).

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

ТБИЛИСИ, 10 октябрь. (Сакинформ агентлиги мухбирлари Эдуард Эдиберидзе ва Гурам Чанишвили — ЎзТАГ учун). Грузия пойтахтида ўтаётган республика Олий Кенгаши сессияси мустақил Ўзбекистон Давлати адресига якдиллик билан мурожаатнома қабул қилди:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИГА

Ҳурматли депутатлар!

Грузия Республикаси Олий Кенгаши, Бутун грузин халқи ўзбек халқининг 1991 йил 1 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги эълон қилиниши билан якунланган озодлик ва мустақиллик учун курашини табриклайди.

Грузия Республикаси Олий Кенгаши Ўзбекистон Республикасини мустақил истиқлол давлат, халқаро ҳуқуқнинг тўла ҳуқуқли субъекти деб тан олади ҳамда икки давлат ўртасида дипломатия муносабатларини ўрнатиш тўғрисида Ўзбекистон маъмурлари билан исталган вақтда музокаралар бошлашга тайёр эканлигини изҳор қилади.

ГРУЗИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ. **ГРУЗИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти

ФАРМОНИ

Х. ТУХТАБОЕВ, Ў. Р. УМАРБЕКОВ, Ш. ХОЛМИРЗАЕВ ўртоқларга «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» фахрий унвони бериш тўғрисида

Ўзбек адабиётини ривожлантиришдаги катта хизмати, юксак бадиий асарлар яратгани, ижтимоий ҳаётда фаол қатнашгани учун қуйидагиларга «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» фахрий унвони берилсин:

Худойберди **ТУХТАБОЕВ** — «Ёш куч» журналининг бош муҳаррири.
Ўлмас Раҳимбекович **УМАРБЕКОВ** — ёзувчи.
Шукур **ХОЛМИРЗАЕВ** — ёзувчи.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри, 1991 йил 10 октябрь.

«Наврўз» Тошкентга ташриф буюради

Келаси йили Тошкентда Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон театрларининг анъанавий «Наврўз» фестивали тўртинчи марта ўтказилади. Яқинда бу республикалар ижодий уюшмаларининг раҳбарлари, шунингдек, маданият вазирликларининг вакиллари Ўзбекистон пойтахтига йиғилиб, «Наврўз-92» театр кўригини уюштириш билан боғлиқ ташкилий масалаларни муҳокама қилдилар. Минтақа фестивалини Халқаро театр куни арафасида яъни март ойининг охирларида ўтказишга қарор қилинди.

Маълумки, бундай кўрикни олмаоталиклар бошлаб берган эдилар. Кейинчалик у Бишкек ва Душанба шаҳарларида бўлиб ўтди. Тошкент фестивалининг улардан фарқли томони шундаки, Озарбайжон театр вакиллари ҳам мазкур кўрикда қатнашиш истагини билдирдилар. Баъзи Шарқ мамлакатлари театрларини ҳам бу байрамга таклиф этиш кўзда тутилмоқда.

Учрашув қатнашчиларини Ўзбекистон Республикасининг вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов қабул қилди.

ДАВЛАТ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ БОШЛАНДИ

МОСКВА, 11 октябрь (ТАСС махсус мухбирлари). Бугун туш пайтида СССР Президенти Михаил Горбачев раислигида Кремлда мамлакат Давлат Кенгашининг мажлиси бошланди.

Мажлисда Озарбайжон, Арманистон, Белорусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон, Украина раҳбарлари иштирок этмоқдалар.

Иқтисодий ҳамжамият тўғрисидаги битим лойиҳаси, республикалар ўртасидаги озиқ-овқат битимлари муҳокама қилинади. Мажлис қатнашчилари мустақил давлатлар иттифоқи тўғрисидаги шартнома лойиҳасини тайёрлаш юзасидан амалга оширладиган ишларнинг тартиби ҳақида фикрлашиб оладилар.

● «Ўзбекистон овози» ижрони текширади

● Рўзноманинг кечаги сонида юқоридаги сарлавҳали мақола босилгани муштарийларда катта қизиқиш уйғотди. Жойлардан қўнғироқлар бўлиб, мақолада долзарб масала кўтарилгани ҳақида турли мулоҳазалар баён қилиняпти.

Дарҳақиқат, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, картошка билан узлуксиз таъминлаш ҳаётий эҳтиёж бўлиб турибди. Бироқ республика ҳукумати ташаббуси билан Польшадан олинган картошка лоқайдлик туфайли вақтида вагонлардан туширилмаяпти. Ҳатто сақлашдаги бефарқлик оқибатида омборга кирмай чиритиб юборилаётгани кенг жамоатчиликда ҳақли эътирозларга сабаб бўлмоқда.

Таъминотда тақчиллик юз бериб турган ҳозирги шароитда бундай хўжасизлик, исрофгарчилик нонтепкилиқдан бошқа нарса эмас.

«КАРТОШКАНИНГ БОЗОРИ ЧАҚҚОН» МАҚОЛАСИ ИЗИДАН

ҲОЗИРЧА СИЛЖИШ ЙЎҚ

Жумҳуриятимиз темир йўл станцияларига Польшадан картошка ортилган вагонлар келиши давом этмоқда. Бироқ, ушбу тақчил маҳсулотни тез туширириб олиш жойларда ҳанузгача қўнгилдагидек ташкил этилмаяпти. Жумладан, шу йилнинг 10 октябригача жумҳуриятимизга 428 вагон картошка келтирилди. Аммо шундан 1661 вагони белгиланган муддатда туширириб олинмади. 10 октябрда эса 110 вагон картошка станцияларда қолиб кетди.

Ўз ишига масъулиятсизлик «Ўзбекистон» концернига тегишли корхоналарда тўгатилгани йўқ. Мазкур концернинг мева-сабзавот комбинатлари картошкани вақтида туширмасдан сусткашликка йўл қўйишяпти. Масалан, «Қизил тўқимачи» темир йўл станциясида концернига тегишли 5-мева-сабзавот комбинатининг 18 вагон юки 9 октябрдан бери туширириб олингани йўқ. Корхона ишчилари бир кеча-кундузда 50 вагонни туширириб олиш имкониятига эга бўла туриб, амалда фақат 23 вагон картошка юклади.

Худди шундай аҳвол «Назарбек» станциясида ҳам давом этмоқда. Бу ерда Чилонзор улгуржи-чакана мева-сабзавот комбинатига тегишли 25 вагон картошка 7 октябрдан буён қантариб қўйилган. Ушбу станцияда 1-мева-сабзавот комбинатига қарашли 77 вагон юкдан 10 октябрда фақат 17 вагони туширириб олинган, холос.

Қолган 60 вагон картошка ҳанузгача эгасини кутмоқда. «Салор» станциясида Куйбишев район улгуржи-чакана савдо корхонасига тегишли 4 вагон картошка 8 октябрдан бери, Ҳамза район улгуржи савдо корхонасига қарашли 2 вагон маҳсулот эса 9 октябрдан буён олиб кетилгани йўқ. Очиғи, бу рўйхатни давом эттираверишмумкин.

Шу ўринда бир савол туғилади: ахир, Польшадан келаётган тақчил маҳсулотни бошқа корхона ва ташкилотлар туширириб олиб пешма-пеш истеъмолчиларга етказиб бериш имкониятини топишяпти-ку. Мисоллар билан танишинг: «Қодиря» станциясига «Қибрай» совхози учун ажратилган 4 вагон юкни совхоз вакиллари бир кеча-кундузда туширириб олишди. «Толлимаржон» темир йўл станциясига 10 октябрда энергетиклар учун юборилган 2 вагон картошка шу куннёқ туширилиб, истеъмолчилар қўлига етиб борди.

Хуллас, изласа имкон топилаверарканки. Об-ҳаво айниб, ёғин-сочинлар бўлаётган шу кунларда «Ўзбекистон» концерни раҳбарлари вазиятни тўғри тушуниб, аҳволни ўнглаш учун тезроқ ҳаракат қилсалар айни муддао бўлур эди.

АҲОЛИНИ МАМНУН ЭТАРДИК

Салоҳиддин НАЖМИДДИНОВ, Тошкент шаҳар Октябрь район озиқ-овқат савдоси идорасига қарашли 11-«Марҳамат» магазини директори:

— «Ўзбекистон овози» рўзномасида босиб чиқарилган «Картошканинг бозори чаққон» сарлавҳали мақола бизда яхши таассурот қолдирди. Чунки унда аҳолини картошка билан таъминлаш ва бу маҳсулотни ташиб олишда йўл қўйилаётган жиддий камчиликлар ҳаққоний танқид қилинган.

Польша картошкасининг жумҳуриятимизга олиб келинаётганлиги ҳақидаги хушхабарни ҳамма эшитди. Энди уни нест-нобуд қилмай истеъмолчиларга етказиб бериш керак. Агар шундай маҳсулотдан бизнинг дўконимизга берилса, яхши савдо қилиб, аҳолини мамнун этишга тайёрмиз. Бу бизнинг дўконимиз жойлашган Эскижўва деҳқон бозорида картошка нархининг арзонлашувига олиб келган бўлар эди.

(Туркум материалларни Ж. ХОЛҚОСИМОВ, А. БОЛИЕВ, У. ЮСУПОВ тайёрлади).

АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ЖИҲАТДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ — АСОСИЙ ЙЎНАЛИШ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Бир қанча вилоятларда, корхоналар ва ташкилотларда, жамоа хўжаликларида ҳар бир колхозчи учун компенсация тўлаш анча кечиктирилган.

Республика бюджетидаги камомад ҳам жиддий ташвиш туғдирмоқда. Бунинг сабаби биринчи навбатда шундаки, вилоятларда уни қоплаш учун даромаднинг қўшимча манбаларини қидириб топиш ишлари суст олиб борилмоқда, бундай аҳвол қабул қилинган ва амалга оширилаётган ижтимоий дастурлар барбод бўлишгагина эмас, шу билан бир вақтда компенсация тўловларининг кечиктирилишига олиб бориши мумкинлиги сир эмас.

Маълумки, республика ҳукумати икки ойдан зиёдроқ муқаддам фавқулодда бюджетни тасдиқлаган эди. Бироқ Наманган, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида бюджет ҳанузгача кўриб чиқилмаган. Бир қанча вилоятлар маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари бюджет ижроси билан боғлиқ аҳволнинг оғирлигини била туриб, тасдиқланган кўрсаткичларни қайта кўриб чиқишни, қўшимча маблағ ажратишни илтимос қилмоқдалар, бир қанча вазирликлар ва идоралар ҳам ана шундай йўлга ўтишди, улар ўз оборот маблағларини қоплаш, имтиёзларни кенгайтириш ва солиқ тўлашдан озод қилиш учун қўшимча маблағ ажратишни қатъий илтимос қилмоқдалар. Ҳозирги пайтда бундай йўл мақбул эмас. Буйруқбозлик — маъмуриятчилик тизимидан, маблағ ва фондларни юқоридан тақсимлашдан чекиниш халқ хўжалиги барча тармоқларидаги корхоналар ва ташкилотларни қўшимча фойда олиш йўлларини излашга мажбур қилади. Жойларда ўтказилган текшириш материаллари шуни кўрсатмоқдаки, у ерда кўп ҳолларда аввалгидек хўжалик ички заҳираларини сафарбар этиш ва бюджетдан ажратилган маблағдан кўзда тутилган мақсад учун тежаб сарфлаш имкониятларидан кам фойдаланилмоқда. Буларнинг ҳаммаси республика бюджетига оғир юк бўлиб тушмоқда.

Селектор орқали ўтказилган кенгашда давлат даромадлари тўла бормаётганлиги алоҳида ташвиш уйғотаётганлиги таъкидланди. Натижада тўққиз ой давомида вилоятларда 660 миллион сўмдан кўпроқ даромад кам олинди.

Пул муомаласи муаммоси батафсил кўриб чиқилди. Жумладан, кенгашда республика аҳолисига тўланган катта миқдордаги пул оборотга қайтиб тушмай аҳоли қўлида тўпланиб қолаётганлиги ҳақида гапирилди. Аҳоли даромадлари, товар оборот ва хизматлар ўсиш суръатларидаги тафовут кучаймоқда. Янги пул чиқариш ҳозир кредит эмас, балки бюджет тусига ўтди. Афсуски, республикадаги вилоятлардан бирортаси ҳам ана шу танг ҳолатни бартараф этишга доир амалий таклифлар киритмади. Муомалага жуда катта миқдорда нақд пул чиқарилганига қарамай ишчиларга, хизматчиларга, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига иш ҳақи тўлашни кечиктириш ҳоллари давом этмоқда. Жойларда ана шу муҳим ижтимоий муаммоларни мустақил ҳал қилиш ўрнига кўпинча бошқа йўлдан бормоқдалар — республика бюджетидан маблағ ажратиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига илтимосларни ёғдирмоқдалар. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида бундай текинига тайёрлик кайфиятига йўл қўйиш мумкин эмас.

Кенгашда зарар келтирадиган ва кам рентабелли корхоналар фаолияти тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Республика банкларининг маълумотларига қараганда бундай корхоналар сони 1240 тага етди, уларнинг самарасиз фаолиятидан кўрилган зарар 200 миллион сўмдан ошиб кетди. Зарар келтирувчи корхоналарни тангликдан олиб чиқиш, уларни ижарага бериш, хусусийлаштириш ёки ишлаб чиқариш йўналишини ўзгартириш вазирликлар ва идоралар раҳбарлари учун энг муҳим вазифа эканлиги таъкидланди.

Кенгашда бир қанча вилоят Советларининг раҳбарлари ҳеч истисносиз аҳолининг барча табақаларига иш ҳақи, компенсациялар, пенсиялар ва нафақалар ўз вақтида тўланмаслигига йўл қўйиб бўлмаслиги ҳақида қаттиқ огоҳлантирилди.

Барча бўлинмаларнинг раҳбарларига аниқланган камчиликларни тугатиш, бюджетни тўлдириш учун маблағларни қидириб топиш ҳамда аҳолини кундалик зарур моллар билан узлуксиз таъминлаш юзасидан яқин вақт ичида тегишли ишларни амалга ошириш топширилди.

Кенгашда Вазирлар Маҳкамаси мажмуининг, Савдо вазирлигининг, Ўзбекистон Енгил саноатни таъминлаш бош бошқармасининг, «Ўзбекистон Енгил саноати» уюшмасининг ва бошқа тегишли ташкилотларнинг раҳбарларига аҳолини зарур халқ истеъмоли моллари, аввало мебель, газлама ва озиқ-овқат билан белгиланган ҳажмга мувофиқ таъминлаш тўғрисидаги масалани қисқа муддатда ҳал этиш топширилди.

Вилоятларнинг, молия ва кредит идораларининг, банк хизматларининг раҳбарлари, меҳнат ва ҳисоб бошқармаларининг бошлиқлари иштирок этган селектор кенгашида бу йил республика ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг бошқа муҳим масалалари ҳам кўриб чиқилди.

(ЎзТАГ).

Наманган бадиий буюмлар фабрикаси жамоаси ойлик режаларини ортиғи билан уддалаб келмоқда. Айниқса, попопчилик цехи чеварлари меҳнатда бошқаларга ўрнак бўлмоқда. Шу йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида режадан ташқари 415 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар.

СУРАТДА: илғор попопчилар Замирахон Зокирова, Сарбархон Дадабоева ва Муқаддас Оҳуновалар маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда.

П. АКБАРОВ олган сурат.



Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида жойлашган «Ўзбекхиммаш» заводи 50 ёшга тўлди. Маълумки, корхона маҳсулотлари фақат бизнинг мамлакатимизда эмас, балки чет элларда ҳам маълум ва машҳурдир. Ҳозирги қайта қуриш шароитида жамоа шартнома мажбуриятларини ўз вақтида эдо этишни ўзининг асосий вазифаси деб биламоқда.

СУРАТЛАРДА: дастгоҳларни бурғилаш участкаларидан бири. Ўнгда эса илғор бурғиловчи Эсонбой Сайфуддинов.

Р. ШАМСУТДИНОВ (ЎзТАГ) олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ДАСТУРИ ВА НИЗОМИ ЛОЙИҲАЛАРИ — УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

ТАРТИБ-ИНТИЗОМ КЕРАК

Мени кўпинча собиқ Коммунистик партия нима учун бунчалик эл назаридан қолди, деган савол ўйлатади. Партиянинг Дастури ва Низоми билан чуқур танишганман. Куни кеча уни яна бир бор ўрганиб, мулоҳаза қилдим. Компартияни шу қадар манмансиратган, ҳоким партияга айлантирган жиҳат менимча унинг Низоми марказида Демократик централизм қоидаси асос қилиб қўйилгани бўлди. Буйруқбозлик, бутун ҳокимиятни қамраб олиш, партия кадрларининг босартусарини билмай кетиши сабабларидан бири ҳам ана шу қоидадандир. Партиянинг юқори босқичида ўта ҳокимликнинг вужудга келганлиги, қуйида эса тартиб-интизомнинг бўшашиб кетгани, кўп ҳолларда қабул қилинган қарорларнинг бажарилмаслиги ҳам Компартиянинг ичидан емирилишга олиб келди.

Хўш, мен бу билан нима демоқчиман. Яқинда Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси Дастури ва Низоми лойиҳаларини ҳам диққат билан ўқиб чиқдим. Ҳайрият, унда демократик централизм деган сўзларни учратганим йўқ. Шундай бўлсада, мен Дастурда ҳам, Низомда ҳам партиянинг демократик асосларда иш олиб бориши лозимлиги қизил ип бўлиб ўтиб туришини истайман. Шунингдек, янги партиямиз буйруқбозлик ва тўрачиликни келтириб чиқарадиган ҳар қандай сабабларга сира ҳам йўл қўймаслиги зарур. Мен Низом лойиҳасининг 3-моддаси охирги сўз бошиси шундай таҳрирда берилишини таклиф қиламан: «— Шахсий намунаси, интизоми билан ижтимоий аҳлоқ ва маънавият нормаларини қарор топтиришга мажбурдир».

Боғдагул ГЕНЖЕБОЕВА,
Шуманай районидаги «Комсомол» давлат хўжалиги директорининг ўринбосари.

КЕКСАЛАРГА ҲАМ МАЪҚУЛ

Бир ҳақиқатни очиқ айтишим керак. Кўп йиллар давомида партия аъзоси бўлганлигим сабабли диний маросимларда ошкора қатнаша олмадим. Лекин халқимиз расм-русумларини канда қилмай бажаришга ҳаракат қилдим. Янги Халқ-Демократик партияси Низомини ўқир эканман, унинг бошланишидаёқ «Ўзбекистон Халқ Демократик партиясига аъзо бўлиш фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ эркинликлари, шу жумладан, виждон эркинлигини, дахрий ёки диндор бўлиш ҳуқуқини чекламайди», деган жумлаларни кўриб хурсанд бўлдим. Негаки, энди шу партияга аъзо бўлишни истаган ёшлар, диндорлар биз каби қийналишмайди.

Низомдаги «Партия аъзоси... шахсий намунаси билан ижтимоий ахлоқ ва маънавият нормаларини қарор топтиришга мажбурдир» деган қоида ҳам биз — кексаларга жуда ёқди. Чунки бўлажак партия аъзоларидаги бундай инсонийлик хислатлари ёшларни одобли, ахлоқли қилиб вояга етказишимизда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Мен ҳам кўпчилик қатори Низом лойиҳасини тўлдирадиган баъзи фикрларни ўртага ташламоқчиман. Унинг 30-моддасида «Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг аъзолари ҳар ойда партияга аъзолик бадалларини умумий даромадларнинг камида 1 фоизи миқдорида тўлайдилар» деб қайд этилган. Менимча жумла аниқ, лўнда бўлгани дуруст. Шунинг учун **ундан «камида» деган сўзни туширib қолдирган маъқул. Бундан ташқари Низомга пенсионер, фахрий партия аъзоларини ўз ихтиёрлари билан аъзолик бадаллари тўлашдан ҳоли қилиш ҳақидаги фикр ҳам киритилиши лозим деб биламан.**

Олтибек ТЎЛАЕВ,
партия ва меҳнат фахрийси. Фориш райони.

• *Мустақиллик замини*

ОМБОР ДОНГА ТЎЛЯПТИ

● Ўзбекистон Дон маҳсулотлари вазирлиги жумҳуриятимиз аҳолисининг дастурхонини бир маромда тўкин қилиш мақсадида зарур чораларни амалга оширмоқда.

Вазирлик хорижий эллардаги турли фирмалар билан ҳамкорликда янги бўғдой ҳосилини олиб келишга киришди. Келтирилган дастлабки юзлаб тонна бўғдойлар вилоятлардаги омборларга тушириб олинмоқда.

Вазирликка қарашли тегирмонлар шу йилнинг тўқиз ойи мобайнида 2 миллион 98 минг 767 тонна ун ишлаб чиқарди. Бу ўтган йилнинг шу кундаги кўрсаткичига нисбатан 113,3 фоизни ташкил этади. Йил охиригача жами ун миқдорини 2 миллион 900 минг тоннадан ортиши кутилмоқда.

Шу йилнинг ўзида Бағдод, Дўстлик, Чиноз районларида ишга туширилган янги тегирмонлар нон корхоналари ҳамда аҳолининг мушкулини осон қилмоқда. Йил охиригача Самарқанд вилоятининг Оқтош қишлоғида бир кеча кундузда 650 тонна озуқа ишлаб чиқарадиган корхона ишга туширилади. Маҳсулотлар хўжаликлар ва аҳолига сотилади. Келгуси йилда эса Нукус ва Қўнғиротда бир кеча-кундузда 130 тонна ун тайёрлаб чиқарадиган янги корхоналар иш бошлайди.

ЧОЙ ЕТАРЛИ БЎЛАДИ

● САМАРҚАНД (телефон орқали). Йирик чой қадоқлаш фабрикаси хом ашё танқислигидан чиқишга эришмоқда. Корхонада тайёрлана бошлаган Вьетнам қора чойи савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига тарқатила бошланди. Тошкентда бу чойни ичиб, таъмини тотиб кўрганлар уни маъқуллашди. Унинг таъми бундан 20—30 йиллар олдин ичилган грузин чойи мазасидан асло қолишмайди. Юз граммли қилиб қадоқланган биринчи навли бу чой донадор ва йириклиги билан фарқланади.

Корхона директори Жаҳон Ражабов ана шу янгилик ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:

— Корхонамиз бир кеча-кундузда 110—115 тонна чой маҳсулотларини қадоқлаб чиқармоқда. Вьетнам чойидан ҳозирча 100 тоннаси ишлаб чиқарилди. Яна 300 тонна қадоқлаш режаланган.

Бундан ташқари корхонамиз мутахассислари жумҳурият аҳолисининг чойга талабини қондириш мақсадида турли чора-тадбирларни изламоқдалар. Масалан, мутахассисларимиз Индонезияда бўлишди. У ерда фирмалар билан олиб борилган музокаралар натижасида шартнома имзоланган. Ана шу ҳужжатга асосан 6,5 минг тонна Индонезия кўк ва қора чойини оляпмиз. Бу пахта толаси эвазига алмашиняпти. Хорижий хом ашёнинг 1,5 минг тоннаси кўк, қолгани қора чойдир. Маҳсулотларни 1, 2, 3 килограммли қутичаларга солиб чиқариш чоралари кўриляпти. Фабрика тангликдан чиқиши билан, бирга, аҳоли дастурхонини хушбўй чой билан файзли қилиш ҳаракатида. Булар, аввало, мустақилликка қадам қўйилган диёримизда иқтисодиётни омилкорлик билан олиб бориш натижасида эришилаётган дастлабки нишоналардир.

ЭКОЛОГЛАР СЕМИНАРИ

Тошкентда икки кунлик экология семинари тугади, унда Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон республикасининг, шунингдек Россия Федерациясининг ва Болтиқбўйидаги республикаларнинг олимлари ва мутахассислари иштирок этдилар. Семинар СССР Фанлар академияси хроматография илмий кенгашининг, Бутуниттифоқ химия жамияти Ўзбекистон бўлимининг, Ўзбекистон Фанлар академияси хроматография илмий маркази ва бир қанча бошқа ташкилотларнинг ташаббуси билан ўтказилди. Семинарга Американинг йирик «Хьюлетт-паккард» фирмасининг вакиллари таклиф этилди, бу фирма атроф-муҳитни назорат қилиш учун турли асбоблар ишлаб чиқаради.

— Минтақамиз мамлакатдаги экология жиҳатидан энг ночор минтақалардан бири эканлиги сир эмас, — деди Ўзбекистон Фанлар академияси хроматография илмий маркази раҳбари Б. Д. Қобулов. — Орол зонасида саҳро ҳужуми тез суръат билан давом этмоқда, тупроқнинг шўрланиши, сув ва шамолнинг тупроқ унумдор қатламини ювиб ва учириб кетиши, нитратлар, пестицидлар ва оғир металлар билан булғаниш кучаймоқда. Атроф-муҳитни самарали назорат қилиш ўткир муаммо бўлиб турибди.

Атроф-муҳитнинг булғанишини таҳлилий назорат қиладиган асбоблар етказиб берадиган Америка фирмаси билан ҳамкорлик қилиш шу муаммони ҳал этишга хизмат қилиши лозим. «Хьюлетт—паккард» вакиллари аниқ-равшан амалий таклифлар билан келишди, семинар қатнашчиларини ўз янгиликлари билан таништиришди.

(ЎзТАГ мухбири).

НЕГА ҒАЙРЛИК ҚИЛАСИЗ?

ЯҚИНДА ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ «АЛГОРИТМ» ИЛМГОҲИ ЖАМОАСИНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИГА ЧЕТДАН БЎЛАЁТГАН ТУРЛИ КЎРИНИШДАГИ ТАЗЙИҚЛАР ҚАТТИҚ ТАНҚИД ҚИЛИНДИ. ИЛМГОҲ МЕҲНАТ ЖАМОАСИ МАМЛАКАТ РАҲБАРЛАРИ НОМИГА МУРОЖААТ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ташкилотимизнинг байналмилал жамоаси Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини зўр қониқиш билан кутиб олди. Бундан юз йилча олдин ўзбек халқи ўз мустақиллигини йўқотиб мустамлака ҳолига тушиб қолган эди. Аввал минтақани чор Россияси губернаторлари ва чиновниклари, кейин эса мустабидликнинг сохта байналмилалчи комиссарлари, Москва партия аппаратидан юборилган ва тайинланган шахслар, маҳаллий корчалонлар идора қилдилар. Ана шу давр мобайнида улар «халқ номидан» иш юритиб, «халқнинг бахт-саодати» йўлида республикани беомон бошқардилар. Халқ хўжалигини боши берк кўчага киритиб қўйганлар ҳам, пахтачиликни якка зироатга айлантирганлар ҳам, Орол денгизини қуритиб-қақшатиб юборганлар ҳам, республикани Иттифоқнинг хом ашё омборига айлантириб қўйганлар ҳам мана шулар бўлди. Ўзбек халқи ўз ёзувидан, бинобарин тарихидан маҳрум этилди. Иттифоқнинг пахта мустақиллиги таъминланганлиги халқимизни батамом фақирлик ҳолига келтириб қўйди. Натижада жуда бой хом ашё ва меҳнат, юксак қишлоқ хўжалик имкониятларига эга бўлган минтақа фан-техника тараққиёти йўли чеккасига чиқиб қолди. Саноат ва халқ истеъмоли молларининг кўп қисми бошқа республикалардан ташиб келтирилмоқда. Республика бюджетининг деярли 16—18 миллиард сўмлик қисми дотациядан иборат бўлганлигини ҳозир, ҳатто мактаб ўқувчилари ҳам биладилар. Буларнинг ҳаммаси марказнинг маълум бир мақсадга йўналтирилган бош сиёсати натижасидир. Иттифоқда рўй бераётган кейинги воқеалар, хўжалик алоқаларининг бузилиши Ўзбекистон халқлари турмуш даражасини ниҳоятда оғир аҳволга солиб қўйди. Аҳолининг ярмидан кўпроқ қисми камбағаллик чегарасида турибди.

Марказий органлар ва уларнинг маҳаллий гумашталари юритган, маълум бир мақсадга қаратилган ва узоқни кўзловчи сиёсати Осиёдаги ва бошқа давлатлар билан бўлган кўп асрлик маданий ва иқтисодий алоқаларни узишга олиб келди.

Республика қонунчилик ижроия органлари ҳамда Президентимиз И. Каримовнинг мақсад бирлиги издан чиққан халқ хўжалиги тизимини тўғри йўлга солиш, халқнинг турмуш фаровонлигини таъминлаб, қолоқ ва эзилган республикани ҳар жиҳатдан ривожлантириш, тенг ҳуқуқли ва гуллаб-яшнаган давлатга айлантиришга қаратилгандир.

Республикамиз ҳуқуқий ва демократик жамиятни барпо этиш йўлида ривожланиб бормоқда. Унинг халқ тўла қўллаб-қувватлаётган ички ва ташқи сиёсати тенглик, интизом ва тартиб, қонунийлик, том маънодаги демократия, ўзаро манфаатли алоқалар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш ва энг кўп даражада иқтисодий эркинлик билан йўғрилган.

Биз том маънодаги демократик қайта қуриш тарафдоримиз. Илғор дастур ва ҳаракатлар бирлигини қўллаб қувватламиз. Биз жамиятимизнинг изчил ривожланиб боришини таъминлайдиган, кейинги йилларда Иттифоқ раҳбарияти даражасида йўл қўйилган хатоларнинг такрорланишига олиб келмайдиган сиёсий ва иқтисодий қайта ўзгартишларни амалга ошириш учун ҳаракат қилаверамиз. Бу бутун республика қатори ташкилотимиз жамоасининг ҳам қатъий азму-қароридир.

Афсуски, мустақиллик йўлидаги ютуқларимизни, қилаётган ишларимизни кўролмайдиган ҳасадгўй ва ғғвогарлар пайдо бўляпти-ки, улар бутун қилмиш-қидирмишлари билан халқимизни тўғри йўлдан чалғитиб юборишга, тинч-осойишта меҳнат қилаётган эл ўртасига низо ташлашга, республика раҳбариятига нисбатан норозилик уйғотишга ҳаракат қилмоқдалар. Тўғри, дунёда ҳеч бир мустамлакачи давлат еб турган текин луқмасидан сира ҳам ўз ихтиёри билан воз кечмаган. Биз четдан бўлаётган ана шу йўналишдаги хатти-ҳаракатларни мана шундай деб баҳолашга тўла ҳақлимиз. Республика мустақиллик учун кураш бошлаган даврда ва айниқса мустақиллик эълон қилингандан сўнг марказий матбуот, радио ва телевидение беандиша ҳужум кампанияси бошлаб юборгани, кунда-кун ора ҳақиқатга сира ҳам тўғри келмайдиган, бутунлай тўқиб чиқарилган уйдирмалар асосида ёзилган мақолалар рўзномаларнинг биринчи бетларида берилаётганини мустамлакачиликнинг жон талвасасидаги тўлғаниши деб айтмай, бошқа қандай баҳолаш мумкин. Жамоамиз В. Вижутовичнинг «Известия» рўзномасида босилиб чиққан (№ 219, 14 сентябрь) «Ажратиб қўйилган вагон» сарлавҳали мақоласини Ўзбекистон халқини ҳақорат қилиш, мустақил давлатнинг ички ишларига аралашиш деб қабул қилди. Демократик рўзнома ва ойномалар саҳифаларида шу сингари қутқу солувчи ғғво мақолалар босилаётгани консерватив, шовинист ва қайта қуришга қарши кучларнинг Иттифоқда шу пайтгача сақланиб келган муҳитни сира ҳам ўзгартирмай сақлаб қолиш учун навбатдаги ҳужумга ўтаётганини билдиради. Мана шундай шароитда Ўзбекистон халқлари да диктатура: Тожикистон, Ўзбекистон, бундан сўнг — қаерда?» сарлавҳали мақолани ҳам жуда синчиклаб ўқиб чиқдик. Буни қарангки, рўзноманинг махсус мухбирлари А. Карпов ва А. Проценко Тожикистон пойтахти — Душанбе шаҳрида рўй бераётган ҳозирги воқеаларни яна ўша усулда ёритганлар. Рўзноманинг мухбири Валерий Вижутович пайти келганидан фойдаланиб қўйнига тўлдириб олган ғғво тошларини тағин республикамизга бирин-кетин улоқтиргач. Халқимизда «Ола товуқ гўнг сочади, ўз айбини ўзи очади» деган мақол бор. Вижутовичнинг шарҳ сўзини синчиклаб ўқиган ҳар қандай киши ҳам коса тагидаги нимкоса маънони тушуниб олиши мумкин. Мақола замминда ётган мақсад икки қўшни мустақил республика халқларини бир-бири билан уриштириб қўйиш, ўзаро низолар чиқариш, ишончсизлик муҳитини пайдо қилишдан иборатдир. Буни қарангки, Тожикистондаги воқеалар Ўзбекистонда тайёрланган сценарий асосида ривожланиб бораётган эмиш. Бундан ортиқ туҳмат ва ғғвони ўйлаб чиқариш мумкинми? Муаллиф ўз фикрини давом эттираркан, Ўзбекистонда фавқулодда воқеалар рўй бермаётганлигидан ачиниб ҳам қўяди. Аммо шу билан у Ўзбекистонда аҳил ва иноқ бўлиб яшаётган кўп миллатли халққа эҳтиёт бўлинглар, сизларда ҳам фавқулодда воқеалар пайдо бўлиб, бошингиз ташвишдан чиқмай қолиши мумкин, деб қўрқитмоқчи, аниқроғи уларнинг орасини бузиб, қутқу солмоқчи бўлади.

В. Вижутович яна бир нарсадан — Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг бир-бирига яқинлашишидан, ўзаро дўстлик ва алоқалар бундан ҳам ривожланиб боришидан чўчийди. «Мустақиллик баҳонасида Ўрта Осиёда коммунистик диктатуранинг сақланиб қолиши, конфедератив асосларда ягона Туркистон давлати тузилиши» муаллифга сира ҳам тинчлик бермайди. У ўзининг алаҳсираши билан Душанбе ва Тошкентдаги воқеаларнинг ривожи Қирғизистон ва Қозоғистонга ҳам ўтиши мумкин, эҳтиёт бўлинглар, деб низо уруғини сочишни ният қилган.

Наҳотки Вижутович сингари сиёсий шарҳловчилар ва уларнинг хўжайинлари ўзининг кўп асрлик маданияти, санъати, илм-фанига эга бўлган, номи дунёга таралган Абу Али ибн Сино, Беруний, Ал—Хоразмий, Форобий, Фарғоний, Улуғбек каби олимларни, Алишер Навоий, Бобир, Фурқат, Муқимий, Чўлпон, Абдулла Қодирий сингари улуғ мутафаккирларни, озодлик ва мустақиллик учун курашган Спитамен, Муқанно, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди, Темур Тўрағай каби беқиёс саркардаларни, Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, Нуриддин Муҳиддинов каби давлат арбобларини, Имом Бухорий, Ат—Термизий, Аҳмад Яссавий ва Хўжа Аҳрор сингари номи бутун мусулмон дунёсида ҳурмат ва эҳтиром билан эсланадиган алломаларни тарбиялаб вояга етказган ўзбек халқи ўз мустақиллиги учун кураш олиб бормайди, ўзининг барча давлатлар ва халқлар билан асрий маданий-иқтисодий алоқаларини тикламайди, дунёда қабул қилинган қонун-қоидалар асосида ўзаро алоқаларни боғлашни хоҳлаган халқлар билан яқиндан иш олиб бормайди, деб ўйласалар?! Наҳотки улар Ўзбекистон бундан буён ҳам буюк давлатнинг хом ашё базаси бўлиб қолаверади, деган хом хаёллар билан зимдан қўпорувчилик ишларини олиб боришаётган бўлса?! Бундай хом хаёлларга берилган кишилар жуда ҳам нотўғри йўлдан бораётганларини билиб қўйишсин. Халқимиз ўзининг мустақиллигини сақлаб қолиш учун бир жон-бир тан бўлиб курашади. Мустақилликнинг тотли ҳавосидан тўйиб-тўйиб сипқираётган халқ бундан кейин четдан туриб бу хилдаги аралашишларга сира ҳам йўл қўймайди. Чунки, қафасдан учган бургутни қайтариб яна қафаса солиш мумкин эмас. Биз ўрни келганидан фойдаланиб, ҳар бир халқ ўз ички муаммоларини ўзи ҳал қилиши лозим эканлигини, турли хил революция ва контрреволюцияларни, демократия ва антидемократияларни зўрлик билан бошқа халқларга тиқиштириш замони ўтиб кетганини ушбу мақолаларнинг муаллифларига ва улар орқали шу ишга қўл ураётган кишиларга айтиб қўйишни ўз вазифамиз деб биламиз.

Р. РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Алгоритм» илмгоҳи бошқарувининг аъзоси.

«АДИДАС»— ТОШКЕНТДА

Келгуси йилнинг ўрталаридан бошлаб республика магазинларининг пештахталарида чиройли ва қулай спорт кийимлари пайдо бўлади. Тошкентдаги «Малика» трикотаж бирлашмаси, «Совиндэлектроника» Совет—Ҳиндистон корхонаси ҳамда Ғарбий Европадаги машҳур «Адидас» фирмаси бундай кийимларни биргаликда ишлаб чиқаришга келишдилар.

Харидоргир моллар «Малика» фирмаси машина-ускуналарида ишлаб чиқарилади. Технология ва хом ашёнинг бир қисмини «Адидас» етказиб беради, «Совиндэлектроника» эса бу фойдали ишга сармоя ажратади.

(ЎзТАГ мухбири).

• *Иқтисодиёт янгиликлари*

ҚИШЛОҚДА АТЛАС ЦЕХИ

Андижон районидаги Заврок қишлоғида атлас тўқиш цехи ишга туширилди. Ушбу цех тадбиркор йигит Иномжон Холиқов ташаббуси билан барпо этилди. Карл Маркс номли давлат хўжалиги раҳбарлари цех учун эски дала шийпонини ажратиб бердилар.

Дастлаб шийпон таъмирланиб, 4 та дастгоҳ ўрнатилди Қишлоқда ишсиз юрган хотин-қизларнинг бир гуруҳи ишга жалб қилинди. Хуллас, тез орада ранго-ранг атлас маҳсулотлари ишлаб чиқарила бошланди.

— Шу кунгача 165 метр газлама тайёрлаб истеъмолчиларга жўнатдик, — дейди цех ишчиси Зуҳра Йўлдошева. — Яқин вақт ичида яна қўшимча дастгоҳлар сотиб олсак, атласдан ташқари трикотаж буюмлари ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўямиз.

Ж. ТУРДИЕВ,
Андижон вилояти.

ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАР

Ғиждувон районидаги тайёрлов ва кооператив савдо бирлашмасига қарашли консерва цехи жамоаси ишни икки сменада ташкил этиб, маҳсулот ишлаб чиқаришни бир неча баравар кўпайтирмоқда. Ҳозир цехда олма, беҳи, ўзум, бодринг, бақлажон сингари ўндан зиёд мева-сабзавот маҳсулотлари қайта ишланяпти.

Консервачилар тайёрлаётган турли хил шарбатлар, томат пасталари, аччиқ-чучук салат маҳсулотларини истеъмолчилар севиб харид қилишяпти. Цех ишчилари ўтган давр мобайнида 201,4 минг банка сифатли консерва ишлаб чиқарди.

Ҳозир кунига кичик корхонадан 1200 банка консерва маҳсулотлари истеъмолчиларга жўнатилмоқда. Қайта ишловчилар тез орада янги қувватларни ишга тушириб, цех имкониятларини кенгайтиришни кўзда тутишяпти.

Т. МАҚСУДОВ,
Бухоро вилояти.

*

Фарғона вилоятининг Фрунзе район маданият уйи қошида ташкил этилган «Шарқ» миллий томоша гуруҳига таниқли санъаткор, вилоят Ленин комсомоли мукофоти нишондори Мухторжон Тоштемиров раҳбарлик қилиб келяпти. Мазкур гуруҳ дастуридан його, ҳиндхатха-його услубидаги, шунингдек «Ўзбек чойхонаси» номли томошалар, руҳиятга таъсир ўтказиш тажрибалари ўрин олган.

СУРАТДА: «Шарқ» миллий томоша гуруҳи етакчиси М. Тоштемиров. Иккинчи лавҳада эса гуруҳ санъаткорларидан бири шарқона томоша кўрсатмоқда.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

*

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ

14—20 октябрь

Ҳар куни

● 8.25 да **«Соғлом бўлай десангиз»** (шанба ва якшанбадан ташқари, (ЎзТВ I).
● 18.00 да **Янгиликлар** (ЎзТВ I).
● 19.30 да рус тилида **«Ахборот»** программаси (ЎзТВ I).
● 21.00 да ўзбек тилида **«Ахборот»** программаси (ЎзТВ I).
● 6.00 да **«Тонг»** Ахборот-мусиқий кўрсатуви (МТ—Орбита IV).
● 12.30 да **ТСН** (шанба ва якшанбадан ташқари), 15.30 да (ҳар куни МТ—Орбита IV.).
● 21.30 да **Информацион программа.** (ЎзТВ II), МТ—Орбита IV. программаларида).

• 14, душанба

● ЎзТВ I

18.10 Мультфильмлар. 18.30 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида». 19.00 «Чорвадор». 19.50 Фарғона вилояти Қува ноҳияси «Анор» ансамблининг концерти. 20.30 Адабий театр. Миртемир. «Киприкларим». 20.55 Кинолавҳа. 21.25 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуджон Азимов куйлайди. 22.25 «Қора шаҳзода». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

19.00 «Ассалому алайкум». 20.00 «Лаҳза». Хабарлар. 20.10 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 20.25 «Ўзингни эр билсанг...» 22.10 «Сайёра» гуруҳининг концерти.

● МТ—«Орбита IV»

9.35 Янги авлод танлайди. 10.35 Польша телевидениеси телевизион бадиий фильмлар билан таништиради. «Хуштаккача беш дақиқа». 11.40 Мультфильмлар. 12.10 «Табиб». Телефильм премьераси. 12.50 Футбол шарҳи. 13.20 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. «Қувноқ ва доно Насриддин» (Ўзбекистон ва Миср). 13.25 «Менеджерлар мактаби». 15.15 ТСН. 15.30 «Анна Павлова». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 16.20 Доғистонда хизмат кўрсатган Давлат «Лезгинка» рақс ансамбли ижро этади. 17.10 Болалар соати (француз тили дарси билан). 18.10 «Бозор. Танлаш даври». 18.55 «Ён дафтар». 19.00 ТСН. 19.15 «Россия тароналари» телерадиотанловининг совриндорлари Р. Идрисова ва Г. Файзуллин куйлайди. 19.30 Футбол шарҳи. 20.00 Польша телевидениеси телевизион бадиий фильмлар билан таништиради. «Хуштаккача беш дақиқа». 22.10 Польша телевидениеси телевизион бадиий фильмлар билан таништиради. «Декалог-I». 23.05 Муаллифлик телевидениеси. 00.55 ТСН. Халқаро воқеаларга бағишланган сон. 01.10 В. Пак иштирокида мусиқий кўрсатув. 02.10 Польша телевидениеси телевизион бадиий фильмлар билан таништиради. «Хуштаккача беш дақиқа». 03.15 Ҳужжатли фильм.

● МТ—«Дубль IV»

Кўрсатувлар соат 8.00 да бошланади.

• 15, сешанба

● ЎзТВ I

8.00 «Ахборот». 8.35 «Солдат қалби». Бадиий фильм. 10.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Тележарида».
18.10 Болалар учун. «Санъат ғунчалари». 18.50 «Гулистон» ойномаси саҳифаларида. 19.50 «Яхшидан боғ...». Манзарали фильм. 20.00 «Ҳорманг, пахтакорлар!». Кўрсатув ва концерт. 21.25 «Спортлото». 21.30 «Хотира». Ўзбекистон халқ артисти Тошхўжа Хўжаев. 22.40 «Экран таништиради». «Машрабни куйлаб» телефильми ижодкорлари билан суҳбат.

● ЎзТВ II

10.30 Ўқув кўрсатувлари

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

19.05 Катталар учун мультфильмлар. 19.30 Гитара оҳанглари. 20.00 «Спринт». 20.15 Цирк! Цирк! Цирк! 21.00 «Сизни таклиф қиламиз». 22.10 Рақслар ва яна рақслар.

● МТ—«Орбита IV»

9.35 Болалар соати. 10.35 Польша телевидениеси телевизион бадиий фильмлар билан таништиради. «Бурилиш». 11.55 Телефильм. 12.45 Биржа янгиликлари. 13.00 СССР халқ артисти О. Попов иштирокида цирк томошалари.
14.45 ТСН. 15.00 «Телемикст». 15.45 «Анна Павлова». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 16.40 Мультфильм. 16.50 «Лад» ансамбли ижро этади. 17.05 «Чемпионлар билан биргаликда». 17.20 «Болалар мусиқий клуби». 18.25 Экологик шарҳ. 18.40 «Қизиқувчилар олами». 18.55 «Ён дафтар». 19.00 ТСН. 19.15 Сиёсий мулоқотлар. 20.00 Шеърият лаҳзалари. 20.05 Польша телевидениеси телевизион бадиий фильмлар билан таништиради. «Бурилиш». 22.10 Польша телевидениеси телевизион бадиий фильмлар билан таништиради. «Декалог-2». 23.10 Биржа янгиликлари. 23.25 «Эски танишларнинг оилавий хроникаси». Телефильм премьераси. «Олег». 1 ва 2-сериялар. 01.15 ТСН. 01.30 Епископ Василий Родзянко билан суҳбатлар. 11-кўрсатув. 01.55 Польша телевидениеси телевизион бадиий фильмлар билан таништиради. «Бурилиш». 03.15 «Нафосатга шоҳидлик». Телефильм премьераси.

● МТ—«Дубль IV»

Кўрсатувлар соат 9.00 да бошланади.

• 16, чоршанба

● ЎзТВ I

8.00 «Ахборот». 8.35 «Телевизорни ўчиришни унутманг». Бадиий фильм. 9,50 «Ёшлик» студияси саволларингизга жавоб беради.
18.10 Мультфильм. 18.20 «Эл келажагини кўзлаб». «Ўзбектелефильм» премьераси. 18.50 Комилжон Йўлдошев куйлайди. 19.45 Ҳуқуқ ҳаётимизда. 20.15 «Замондош билан учрашув». 21.25 «Мулоҳаза». Мусиқа ва замон. 22.15 «Муҳаббат ва нафрат». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

10.30 Ўқув кўрсатувлари. Биология. 11.00 «Олис тоғлар ёнбағрида». Телефильм. 11.30 Кимё.

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

19.05 «Чоҳ», «Кўза». Қисқа метражли телевизион бадиий фильмлар. 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 Кичик концерт. 20.30 «Дорихона сизнинг хизматингизда». 22.10 «Экспресс—реклама». 22.20 «Кинонигоҳ».

● МТ—«Орбита IV»

9.30 «Болалар мусиқий клуби». 10.35 «Чемпионлар билан биргаликда». 10.50 Польша телевидениеси телевизион бадиий фильмлар билан таништиради. «Бўрилар орасида». 12.45 «Эски танишларнинг оилавий хроникаси». Телефильм премьераси. «Олег». 1 ва 2-сериялар.
15.45 «Анна Павлова». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 16.30 Мультфильм. 16.55 «Услуб». 17.40 «Биржа учувчиси». 17.50 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 18.50 «Ён дафтар». 18.55 «Планета». 19.40 ТСН. 19.55 Польша телевидениеси телевизион бадиий фильмлар билан таништиради. «Бўрилар орасида». 22.10 Польша телевидениеси телевизион бадиий фильмлар билан таништиради. «Декалог-3». 23.05 «Иккиланиш». Ишсизларга ким ёрдам беради? 23.20 «Фермер-91». 01.05 ТСН. 01.20 Епископ Василий Родзянко билан суҳбатлар. 12-кўрсатув. 01.40 Польша телевидениеси телевизион бадиий фильмлар билан таништиради. «Бўрилар орасида». 03.15 «Чайковский номли халқаро танлов. 1990 йил, Москва». Телефильм премьераси.

● МТ—«Дубль IV»

Кўрсатувлар соат 9.00 да бошланади.

• 17, пайшанба

● ЎзТВ I

8.00 «Ахборот. 8.35 «Муҳаббат ва нафрат». Бадиий фильм. 9.55 Адабий театр. Рўзи Қодирий. «Навоий сиймосига таъзим».
18.10 Мультфильм. 18.20 «Алифбо сабоқлари». 18.55 «Ёшлик оқшоми». 19.50 «Кисан ҳам ҳур туғулғонсан». Эрк демократик партияси. 1-кўрсатув. 20.30 «Қўшиқ рақсга уланса». 21.25 «Санъат устаси». Саъдихон Табибуллаев таваллудининг 85 йиллигига. 22.35 «Синган тақа». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

10.30 «Ўлкамизда куз». Кинопрограмма. 11.30 «Мусиқа оҳанглари». Фильм-концерт.

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

19.05 «Бу оқшомда». 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 «Бу оқшомда» (давоми). 22.10 «Бурч».

● МТ—«Орбита IV»

9.30 Болалар соати. 10.35 Польша телевидениеси телевизион бадиий фильмлар билан таништиради. «Бўлинган отпуска». 12.15 Мультфильм. 12.45 «Онам, дадам ва мен». 13.15 ИИВ маълумотларига кўра...
14.45 «Телемикст». 15.45 «Анна Павлова». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 16.40 Мультфильмлар. 17.05 «Маримба понес» болалар ансамбли ижро этади. 17.33 «Азиз-авлиёлар куни» Телефильм премьераси. 17.55 Резо Габриадзе билан учрашув. 19.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 18.55 «Ён дафтар». 19.00 ТСН. 19.15 «Қизиқувчилар олами». 19.30 «Нодипломатик суҳбатлар». 19.50 Польша телевидениеси телевизион бадиий фильмлар билан таништиради. «Бўлинган отпуска». 22.10 ИИВ маълумотларига кўра... 22.20 Польша телевидениеси телевизион бадиий фильмлар билан таништиради. «Декалог-4». 23.15 «Мусиқа тинглашга таклиф этамиз». 01.15 ТСН. 01.30 Польша телевидениеси телевизион бадиий фильмлар билан таништиради. «Бўлинган отпуска» 03.10 «Эстрада вернисажи».

● МТ—«Дубль IV»

Кўрсатувлар соат 8.30 да бошланади.

• 18, жума

● ЎзТВ I

8.00 «Ахборот». 8.35 «Синган тақа». Бадиий фильм. 9.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».
18.10 Мультфильм. 18.20 «Саноат одимлари». 18.50 «Мушоира». Адабий кўрсатув. 19.50 «Ўзбекистон». Телевизион киножурнал. 20.00 «Ҳорманг, пахтакорлар!». Кўрсатув ва концерт. 21.25 «Маърифатнома». 22.15 «Сулола». Санъаткор Режамотовлар оиласи.

● ЎзТВ II

10.30 «Ҳаётимизнинг бир куни». Кинопрограмма. 11.30 «Ё остидан, ё устидан». Бадиий фильм.

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

19.05 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами. 20.00 «Пульс». Хабарлар 20.10 Александр Кузьмин куйлайди. 20.30 ТошДД талабаларининг «Звезда Востока» ойномаси таҳририяти билан учрашуви. 21.00 «Енгиндан эҳтиёт бўлинг». 21.25 Кинолавҳа. 22.10 «Кинонигоҳ».

● МТ—«Орбита IV»

9.35 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 10.20 «Яқин кишига меҳр-муҳаббат», Телевизион бадиий фильм. 11.35 Мультфильмлар. 12.10 «Кўҳна Эллада рақслари». 12.45 «Бой берилган вақтни излаб». Телефильм. 13.05 В. Леонтьев куйлайди.
15.45 «Анна Павлова». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия. 16.45 Мультфильм. 17.05 Валерий ва Татьяна Климовлар чалади. 17.40 Телефильм премераси. 18.00 Камчатка хор капелласининг концерти. 18.40 «Қизиқувчилар олами». 18.55 «Ён дафтар». 19.00 ТСН. 19.15 «Инсон ва қонун». 20.00 «Шерик». 20.30 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони». 22.10 «ВИД» таништиради. 01.30 ТСН. 01.45 «Мастера России» рус оммавий куйлар оркестрининг концерти. 02.40 «Яқин кишига меҳр-муҳаббат». Телевизион бадиий фильм.

● МТ—«Дубль IV»

Кўрсатувлар соат 8.00 да бошланади.

• 19, шанба

● ЎзТВ I

8.00 «Ассалому алайкум». 9.00 «Ҳужжатли экран». 9.50 «Қизил ярим ой шуъласи». 10.20 «Муҳаббат навоси». Муқимий номли мусиқий театр спектакли. 12.20 «Тўртинчи доирадаги бир кеча». Бадиий фильм. 13.35 «Ягона оилада». 14.20 Уйчилик паррандабоқарларнинг тажрибасидан.
15.55 Футбол бўйича мамлакат чемпионати. «Пахтакор» (Тошкент) — «Спартак» (Москва). Танаффус пайтида — Катталар учун мультфильм. 17.50 Усмирлар учун. «Тенгдошлар». 18.35 Ака-ука Алимовлар куйлайди. 19.25 Кинолавҳа. 19.50 Ўзбек тилини ўрганамиз. 20.20 «Рақс жилоси». Дилором Шукуржонова. 21.00 «Ҳафтанома». 22.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Дилдаги гаплар».

● ЎзТВ II

18.00 — Бишкек кўрсатади.

● МТ—«Орбита IV»

7.00 «Одамлар менга қўшиқ ҳадя этишди». 7.30 Мультфильмлар. 8.00 Хор ижросида концерт. 8.30 Ритмик гимнастика. 9.00 ТСН. 9.15 П. Коган раҳбарлигидаги Москва Давлат симфоник оркестри чалади. 9.40 Жаҳон халқларининг ижоди. 10.10 «Мўъжизалар, мўъжизалар». 10.55 Тонгги дам олиш кўрсатуви. 11.25 «Катак». Ҳужжатли фильм премьераси. 11.35 «Галатея». Фильм-балет. 12.30 Экологик шарҳ. 12.45 «Мусиқий дўкон» 13.15 «Низомий». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 15.45 «Қадрдон юртим». Концерт. 16.00 «Эшикни оҳиста очинг». Ҳужжатли фильм. 16.35 «Салом, Она-Россия». Шоир В. Соколов. 17.10 «Ер — она масканимиз». Телевизион фототанлов. 17.15 «Буюк Гилельс». Туғилган кунининг 75 йиллигига. 18.15 «Совет немислари». Олмаота — Саратов — Москва телекўприги. 19.15 «Лаббай, эшитаман...» 19.30 «Москва Кремли». 6-фильм. 20.00 Кўп серияли мультфильм премьераси. 20.25 «Ақл ўлчови». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 22.10 «Ақл ўлчови». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 23.15 «Бахтли тасодиф» 00.15 А. Малинин зиёфати. 02.00 Катталар учун мультфильмлар. 02.30 «Менинг Угличим — Россиянинг бир томчиси». Кичик рус шаҳарлари таништирувн хайрия кўрсатуви.

● МТ—«Дубль IV»

Кўрсатувлар соат 8.30 да бошланади.

• 20, якшанба

● ЎзТВ I

8.00 «Ҳафтанома». 9.00 «Химоя учун сўз». Бадиий фильм. 10.35 «Ўзбекистон спорти». 11.20 Араб тили. 11.50 «Актёрлар ва роллар». 12.50 Инглиз тили. 13.20 «Бахт» вокал-чолғу ансамблининг концерти. 13.40 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Она Ватан» видеоканали.

18.00 Мультфильмлар. 18.20 «Деҳқон маслаҳати». 18.40 «Кино жавонидан». 19.50 «Ўзбекистон». Телевизион киножурнал. 20.10 «Якшанба оқшомида». 21.25 «Ижод саҳифалари». Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло таваллудининг 70 йиллигига. 22.45 «Кузги марафон». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

17.00 — Ашхобод кўрсатади.

● МТ—«Орбита IV»

8.30 «Спорт ҳамма учун». 9.00 ТСН. 9.20 «Спортлото» тиражи. 9.35 «Севги иқрори». 9.50 «Эрта саҳарлаб». 10.35 «Ватан хизматида». 11.35 «Тонг юлдузи». 12.35 «Саёҳатчилар клуби». 13.35 «Қишлоқ янгиликлари». 14.35 «Пи» белгиси билан» 1-қисм. 15.35 ТСН. 15.50 «Пи» белгиси билан». 2-қисм. 16.15 «Омад кулиб боққанда». 16.30 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. Нидерланд эртаги. 16.35 «Марафон-15». 17.45 «Халқаро панорама». 18.30 «Уолт Дисней таништиради...» 19.20 К. М. Вебер. «Оберон» операсига увертюра. 19.30 Мультфильм премьераси. 19.55 «Одам-амфибия». Бадиий фильм. 22.10 «КВН-91». Иккинчи ярим финал. 00.10 «Севиб, ёдда сақлаганларга». А. Миронов хотирасига бағишланган кеча. 02.05 «Куз шамоли». 02.50 Джаз портретлари.

● МТ—«Дубль IV»

Кўрсатувлар соат 8.30 да бошланади.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ДИҚҚАТ!

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ ДОРИЛФУНУНИ ҚОШИДА ОЧИЛГАН ЎЗБЕК МИЛЛИЙ БИЗНЕС МАКТАБИНИНГ БИРЖА ХОДИМЛАРИ ВА БРОКЕРЛИК ИДОРАЛАРИ БЎЛИМИ

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқув муддати — 1 ой.

Машғулотларни республиканинг ва марказий ўқув юртларининг етакчи олимлари, амалиётчи ходимлари олиб борадилар. Ўқув муддати тугагач белгиланган намунадаги шаҳодатнома берилади.

Дарслар гуруҳлар тўпланиши билан бошланади.

ЎҚУВ ҚИЙМАТИ — 2100 СЎМ.

Талабномани қуйидаги манзилгоҳга юборинг: 700063, Ўзбекистон кўчаси, 45-уй, «Маркетинг ва ташқи иқтисодий реклама» кафедраси.

Маълумотлар олиш учун телефон: 45-36-66.

Биржа ходимларининг, айниқса брокерларнинг иш фаолияти ишбилармонликнинг сердаромад ва қизиқарли туридир.

ОМАДИНГИЗНИ ҚЎЛДАН ЧИҚАРМАНГ!

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ТИЛШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ШЕВАШУНОСЛИК (ДИАЛЕКТОЛОГИЯ) **БЎЛИМИДАГИ етакчи илмий ходим (1) ва ҳозирги ўзбек тили бўлимидаги катта илмий ходим** (1).

бўш лавозимларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда филология фанлари доктори ёки номзоди илмий даражаси бўлган етук тилшунослар иштирок этиши мумкин.

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 15 кун.

ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН: Тошкент — 170, И. Мўминов кўчаси, 9-уй.
ЎзФА Тилшунослик илмгоҳи илмий котиби.
ТЕЛЕФОНЛАР: 62-43-67, 62-94-37.

„ЭЛЕКТРОНИКА"

ТОШКЕНТДАГИ «ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМАЛИ ДЎКОН-САЛОНИ АВТОҲАВАСКОРЛАРГА!

Автомашиналарнинг кучланиш стабилизатори барқарорлаштирилган 12, 9, 6, 5, 4 в— кучланишни узатиш учун мўлжалланган.

«ДЕСТА» антифрикцион қотишма элементи автомобилнинг хизмат қилиш муҳлатини 1,5 баравар, қувватини 5—10 фоизга оширади. Бензин сарфи 5 фоизга камаяди.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 38-уй. Телефонлар: 33-68-60, 33-78-34.

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ИШТИРОКЧИСИ БЎЛГАН КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР, ШУНИНГДЕК БРОКЕРЛИК ИДОРАЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

СССР Давлат банки Валюта биржасининг аъзоси бўлмиш Ўзбекистон акционерлик инновация банки мижозларнинг топшириғига кўра валюта биржасида бўлгани каби, икки тарафлама ўзаро келишув асосида корхоналар ва ташкилотлар орасида ҳам чет эл валютасини сотади ва сотиб олади. Шунингдек, совет ташкилотлари ва чет эл фирмалари учун жорий валюта ва сўмлик ҳисобларни очади ва юритади, ҳамда халқаро тажрибаларда кўзда тутилган бошқа валюта операцияларини амалга оширади.

Марказий хизмат хонаси: 700015, Тошкент шаҳри, Ржевский кўчаси, 3-уй.
Телефонлар: 55-82-59, 55-76-17.
Телефакс: 55-76-16 (3712).
Телэкс: 116152 РИСК.
Узинбанк бўлинмалари:
Москвада — телефони: 116-40-77.
Андижонда — телефони: 5-80-59, 5-00-83.
Урганчда — телефони: 4-25-27.
Нукусда — телефони: 2-50-13.
УЗИНБАНК СИЗ УЧУН МУТЛАҚ ИШОНЧЛИ ВА ФОЙДАЛИДИР!

ДИҚҚАТ!

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 мартдаги «Чакана нархларнинг ислоҳ қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш чоралари тўғрисида»ги 65-сонли қарорига мувофиқ ва кооператив техникумларда ва билим юртларида таълим олаётган ўқувчи ёшларнинг фаровонлигини яхшилаш ҳамда ижтимоий муҳофазалаш мақсадларида

1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАБ

ўқувчиларнинг кооператив техникумлар ва билим юртларининг ётоқхоналарида яшаганлиги учун

ҲАҚ ОЛИШ
БЕКОР ҚИЛИНДИ
«ЎЗБЕКБИРЛАШУВ» ИДОРАСИ

Ўзбекистон Алоқа вазирлигининг

РЕСПУБЛИКА АХБОРОТ ҲИСОБЛАШ МАРКАЗИ ҚОШИДАГИ **«МОДУЛЬ»** ШИРКАТИ

ТУГАТИЛДИ.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

БИЗНИНГ МАНЗИЛ: Тошкент, П. Полторацкий кўчаси, 87-уй.

Телефонлар: 55-22-25; 55-07-62.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги Фанлари академиясининг

Г. С. ЗАЙЦЕВ НОМИДАГИ БУТУНИТТИФОҚ ҒЎЗА СЕЛЕКЦИЯСИ ВА УРУҒЧИЛИГИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИЛМГОҲИ

бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ғўза навларини тўплаш ва уни ажратиш лабораторияси бўйича **катта илмий ходим** (фан номзоди).

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 10 кун.

Манзилимиз: 702147, Тошкент вилояти, Оржоникидзе райони, «Салор» алоқа бўлими.

Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти жамоаси институт директори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Аҳмадали Асқаровга акаси **Султонали АСҚАРОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

А. Қодирий номли Тошкентл Давлат Маданият олий билимгоҳи жамоаси «Халқ мусиқаси» кафедраси концертмейстери В. Сайрамовга волидаси **Зуҳра ҲАКИМОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзгазлойиҳа» илмгоҳи жамоаси жумҳурият уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Р. Сайдаминовга отаси **Сайдамин ИУЛДОШЕВНинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент қишлоқ хўжалик техникуми маъмурияти, касаба уюшмаси ташкилоти ва жамоаси техникум директори А. Махсумовга отаси **Махсумхон ДАДАХУЖАЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ХУШХАБАРЛАР

● **Янгиердаги эндигина битказилган бинода хўжалик ҳисобида ишлайдиган шаҳар поликлиникаси очилди.**

Болалар боғчалари ходимлари, муаллимлар, умумий овқатланиш ва савдо тизими ходимларини профилактик тиббий кўрикдан ўтказиш билан боғлиқ хизматларга поликлиника билан тузилган шартномаларга мувофиқ корхоналар ва ташкилотлар ҳақ тўлайдилар.

● **Тошкентда — К. Д. Ушинский номидаги ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказий илмгоҳида Ўзбекистоннинг барча вилоятларидан келган муаллимлар онлаванй сулолаларининг учрашуви бўлиб ўтди.**

Бу ерда бўлиб ўтган семинарда новатор ўқитувчилар иш тажрибаларини ўртоқлашдилар. Мактабни демократиялаш, таълимнинг ноанъанавий шакллари ва усулларини жорий этиш, жумладан халқ педагогикаси элементларини тиклаш муаммолари муҳокама қилинди. Муаллимлар Ўзбекистон олимлари билан учрашдилар.

● **Қурувчилар Урганч-Гурлан сув қувурини ишга туширишдан олдин синай бошладилар. 36 километрлик қувур, алоқа линияси, бошқариш электрик системаси синаб кўрилади.**

Кўпгина жамоа ва давлат хўжаликлари, Янгибозор районининг корхоналари ва ташкилотлари шу қувурдан сув олади. Бу ерда шу вақтгача марказлаштирилган тартибда сув билан таъминлаш йўлга қўйилмаган эди.

Энди бу ерга Туямўйиндан сув келади. Янги участка минтақадаги энг узун Туямўйин—Урганч сув қувурининг давомидир. Ичимлик сув тез орада Гурланга 114 километрлик масофадан кела бошлайди. Қурувчилар эса Амударёнинг чап соҳили бўйлаб Қорақалпоғистондаги Манғит посёлкасига қадар қувур ётқизадилар.

(ЎзТАГ).

Тошкент шаҳар Бектемир районидаги 573-болалар боғчасида кичкинтойларни фикр доирасини кенгайтиришга хизмат қилувчи «Агат» дисплей аппаратлари ўрнатилган.

СУРАТДА: тарбиячи-методист Т. Абушева болаларни аппарат билан қандай муомала қилишга ўргатмоқда.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

МОҲЛАРОЙИМ

Мирза КАРИМ

ЕЗУВЧИ, ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИ СОВРИНДОРИ МИРЗА КАРИМ НОДИРА ҲАҚИДА «МОҲЛАРОЙИМ» РОМАНИНИ ЁЗИБ ТУГАТДИ. ҚУЙИДА ШУ АСАРДАН ПАРЧАНИ ЭЪТИБОРИНГИЗГА ҲАВОЛА ҚИЛАМИЗ.

1.

Моҳлароймнинг нонуштага чиқмаётганлиги эсига тушиб Олима отин узун йўлак бўйлаб сассиз юриб келди-да, кун ботар томондаги хонанинг эшигини очди. Қуёш терак бўйи кўтарилган, заррин нурлари терак япроқлари орасидан мўраламоқда эди. Моҳлароймнинг хонтахтага қаддини берганча жим, бошини қуйи солиб ўтирар, гоҳо шу ҳолатда уйқуга кетгандай эди. Олима отин остонадан ҳатламоқчи бўлиб турди-ю, истиҳола қилди. Моҳлароймни безовта этмаслик тадбирини ўйлади. Кейин бу ўйидан қайтди. Ахир нонушта чўзилиб кетяпти, бугунга мўлжалланган юмушлари ҳам оз эмас. Гап орасида шуни қистирса кейин нима бўлади. Олима отин охирини ўйлаб ўзини йўтал тутганга йўйди. Бесаранжон ва бўғиқ йўтал товушидан Моҳлароймнинг хиёл бошини кўтарди, ҳозиргина хаёлида ғужғон ўйнаган ёшлик йилларию, умрининг нозик ва муқаддас онларини эслаб ҳузур қилди, сўнг қоматини секин буриб Олима отинга қаради.

— Безовта қилиб қўймадимми, ойим.

— Йўқ-йўқ. Муни қаранг-а, кун ёйилиб кетибди. Ўтган ишларни ўйлаб.

Моҳлароймнинг секин ўрнидан туриб, Олима отин томон йўналди. Кўришиш иштиёқида эканлигини сезиб, Олима отин одимини тезлатди.

— Нонушта сизга мунтазир, ойим.

— Ҳозир чиқаман.

Олима отин эрталабдан бир хотин арз билан келганлиги, Моҳлароймни кўрмоқчи, бир оғиз сўзлашмоқчи бўлиб дарвозадан нари кетмаётганлигини атайлаб айтмади. Олима отин Моҳлароймнинг феълини билади. Айтгудай бўлса томоғини ҳўлламаёқ ўша ишга киришиб кетади.

Олима отин хаёлида «тўғри қиляпман» деди-да секин хосхонага чиқди. Бу ерда уч-тўрт ходимлар дастурхон безатиб, Моҳлароймни илҳақ кутишарди. Моҳлароймнинг кириб келдию, ходимлар бирин-кетин таъзим бажо айлаганча орқалари билан юриб чиқишди. Худди шу сония эшикдан югурганча Муҳаммад Алихон кириб келди. Етти ёшлардаги оппоқ юзли, қора кўзлари чақнаган, коп-қора қошлари ҳуснига ҳуси қўшган бола бола экан-да, онасини кўрибоқ бағрига талпинди.

— Ўғлим! — Моҳлароймнинг ич-ичидан қувонаётганлигини ва шу билан фахрланаётганлигини сезди. Ахир она учун хоҳ у малика бўлсин, хоҳ у чўри бўлсин фарзанддан улуғроқ, азизроқ, муқаддасроқ нарса йўқ! Дилининг равшанлиги, сўзининг бутунлиги, ғазалининг гўзаллиги шундан! Моҳлароймнинг қалбининг тўрисида турувчи Андижонни ташлаб, Марғилон сари келганлигини, кейин эса Хўқандда малика бўлиб турганлиги билан эмас мана шу фарзандини кўрганлигидан бахтли эди! Энди унинг юзи ёруғ! Дунёга келган ҳар бир одам зурёд қолдирайин дейди, бола-чақам орқамда қолсин дейди. Моҳлароймнинг орзуси ушалгани шундан, энди ўйлашича унинг умрини мана шу фарзанди давом эттиради. Моҳлароймнинг хаёлидан шу ўйлар ўтиб, Муҳаммад Алихонни бағрига босганча ҳали у юзидан, ҳали бу юзидан «чўлп-чўлп» ўпар, бағрига боса

2.

Муҳаммад Алихон ҳазрати Навоийнинг достонини ҳижжалаб ўқишга тушди. Шу сония мураббия таъзим қилиб кирди-да, Моҳлароймдан изн сўради.

— Рухсат берсангиз, кўп ўқимасинлар!

Моҳлароймнинг ҳаёлидан шу фарзанди давом эттиради. Моҳлароймнинг хаёлидан шу ўйлар ўтиб, Муҳаммад Алихонни бағрига босганча ҳали у юзидан, ҳали бу юзидан «чўлп-чўлп» ўпар, бағрига босарди.

Муҳаммад Алихон шошиб қўйнидан заррин муқовали баёзни олди-да, суюнчилади.

— Ғазал ўқишни ўргандим, буви, — деди. — Ўқийми, а, ўқийми?

Моҳлароймнинг қувончидан қалқиди. Оҳ, қандай яхши-я, севикли ўғли ота-онаси изидан борса... Сўнг ўғлига кўзларини катта-катта очиб суқланиб қаради. — Худди отасининг ўзи-я! Туф, туф, кўз тегмасин!

— Ўқинг, чирогим, ўқинг!

— Сабаб?

— Кечагина достон ўқишни бошладик. Оғирлик қилмасин дейман, ойим. Кейин сабоқ муддатимиз...

Моҳлароймнинг гапнинг маънисини тушуниб етди-да, мураббия билан Муҳаммад Алихонга изн берди. Муҳаммад Алихон сакраганча мураббий олдига тушиб сабоқхона томон югурди. Моҳлароймнинг юраги увишгандай бўлди-ю, ўзини тутди. Сўнг очиққанлигини сезиб, дастурхонга қўл чўзди.

Охири Олима отин чидаб туролмади, у ҳам аёл, саҳармардондан Ингирчоқдан келиб дарвоза очилишини пойлаб ётса-ю, бу хотинга ачинмаса. Юрагида дарди бордирки етиб келган, ахир кўзи ёшлардан шашқатор бўлганини ўзи кўрди-ку! Олима отин шу ўй билан Моҳлароймнинг ҳузурига ошиқди. Унинг киргани бежиз эмаслигини сезди Моҳлароймнинг, сўнг кўзларини каттакатта очиб, «Нечук турибсиз, марҳамат!» деди.

— Ойим, сизни бир аёл йўқлаб келибдилар. Ингирчоқданман дейди, арзим бор, ўзлари тингласин, деб қўймаётир.

— Марҳамат чорланг бу ерга.

— Шу ерга. Ахир дастурхон...

— Айни шу ерда қабул қилмоқчиман. Саҳармардондан шу ерда бўлса-ю, очиққандир. У ҳам бир банда-ю муслима...

Олима отин чиқди. Бироздан сўнг сузилган обиравон кийган хотинни бошлаб чиқди. Хотин Моҳлароймнинг кўрибоқ оёғи остига йиқилмоқчи бўлди, кўзидан дув этиб ёш тўкилди, кенг ва узун енги учи билан кўзини артди.

— Марҳамат, эгачи, ўтиринг. Аввал дастурхонга қаранг...

Аёл Моҳлароймнинг «эгачи» деганигами ё тўкин дастурхонга шерик қилаётганидами ҳанг-манг эди. Гапиришга каловланди, ўзини йўқотиб қўйди. Моҳлароймнинг бу орада чой қуйиб пиёлани меҳмонга

3.

узатди. Аёл пиёлани олмоқчи бўлар экан, дир-дир титрар, унинг севинаётганини ҳам, йиғлаётганини ҳам билиб бўлмасди.

— Мен, ме-ен, ойим, арз билан келувдим. Ингирчоқданман. Сизни қора тортиб келдим, ойим.

Моҳлароймнинг бутун вужудини унга қаратмоқчи бўлиб яқинроқ сурилди.

— Марҳамат, сўзлангиз, қулоғим сизда...

— Тўйиб кетдим бу дунёдан, ойим. Менинг оҳу-ноларимни биров тингламаса. Сен кимсан деб сўрамаса. Деҳқонни ер ютяпти ер... Бу таёқларнинг, азобларнинг, солиқларнинг дастидан илигимиз қуриб кетяпти, ойим. Бунинг устига қизларимизга чанг солиляпти.

— Бирвоздан гапиринг, англай олмаяпман, — деди Моҳлароймнинг.

— Ҳозир, ҳозир, — бурнини тортди аёл ва эски камзулчаси чўнтагидан рўмолча олиб юз, бурнини артди.

Воқеа бундай бўлган эди.

Бачқир ариғининг миробини Ариқ оқсоқол дейишарди. Бу ариқдан Толқишлоқ, Ингирчоқ, Янгиқишлоқ, Калқишлоқ, Каттаҳовуз, Равотйўли, Жийда йўли, Қорақум, Олтиновул, Ҳазратшоҳ, Беговот Мўғшаҳар қишлоқлари сув ичар, ўз навбатида қишлоқ мироблари ариқ оқсоқолга бўйсунар, унинг айтгани-айтган, дегани-деган эди Ариқ оқсоқол икки юзи қиппқизил, кўзлари конталаш, чўқ-қи соқоли ярим тутам, отдан тушса-да, эгардан тушмайдиган мироб эди. У овондозбоши келмагунча ғоз юрар, анча-мунча бойга ҳам сўз ўтказмоқчи бўлар, лекин кейнини ўйлаб попугини пасайтирарди. Овондозбоши ёнида эса эшилган ипакдай мулойим тортар, у юзига шапалоқ тортмоқчи бўлса, бунисини ҳам беихтиёр тутиб турарди. Унинг ҳузуридан чиққач юзига тушган тарсакининг хунини бошқалардан олар, қамчи билан аёвсиз урар, қишлоққа йўл олиб, қўлидан иш келадиган одамларни ариқ тозалашга ундарди. Чорикорларнинг кеча бориб тозаладик, деган гап-сўзларига қулоқ солмай, баттар калтаклар, уларнинг оҳу-нолалари, фарёдларидан кўнгли таскин топиб роҳатланарди. Ахир у роҳатланмай ким роҳатлансин. Кимсан, катта бир ариқнинг мироби. Ариқ оқсоқол деб бежиз айтишмайди. Қамчисидан сув томади, ҳа сув! Ариқ оқсоқол ўзича ҳукм чиқарган, Усмонбой, мулла Эсавой, Ортиқбой, Охунбой, Исҳоқбой далаларига исталган маҳалда сув берар, бева-бечораларнинг навбати келса ҳам сувдан ёлчитмасди. Сув олиш насия эди-ю, ўн беш куни ўтибўтмай ариқ тозалагани йўл олишарди. Тишини-тишига қўйиб юрган қишлоқликлар ёрилгиси келарди-ю, уддасидан чиқиша олмасди. «Бизга ҳам сув беринг» деб ёлворган Муродали чолнинг қаншарига қамчи тушди, визиллаб қон оқди, оғриқ азобидан ҳушидан кетди. Муродали чолнинг ёнида бораётган Шарафиддин бу ҳақсизликдан тўйиб кетди, куйиб кетди, қўлига илинган нокдай тошни олдию, ариқ оқсоқолни мўлжаллаб жон-жаҳди билан отди. Ариқ оқсоқолнинг бошидан салласи учиб, «ихх» деди-ю, эгилганча икки қўли билан калласини ушлади. Узангини саманнинг қорнига ниқтади, тулпор чўчиб тушди, бундан Ариқ оқсоқол йиқилаёзди.

Эртасига тонг отмаёқ Муродали чолнинг дарвозаси аёвсиз тақиллади.

Қўрқа-писа дарвоза очган Хосият уч-тўрт отлиқни кўрибоқ оёқлари зириллади. Қаршисида иягини дурра билан боғлаган ариқ оқсоқол овондозбоши ва икки ясовул турарди. Улар Хосиятни йўлдан итаришиб ичкари киришди ва ўдағайлай бошлашди.

— Ариқ оқсоқолга тош отган чол қани? А, сендан сўраяпман, қандай ҳадди сиғди-а! Кўрсатиб қўяман тош отиш қанақа бўлишини. Ажалидан беш кун аввал ўлгиси кепти-да. Чақир бу ёққа сассиқ чолингни...

Хосият овондозбоши оёғига ўзини ташлади, дод солди, йиғлади, сиқтади.

— Кўз ёшларни кўравриб тўйиб кетганман. Қани чолинг?!

Бостирмада Муродали чол кўринди.

— Ҳа-а, анови галварс чолми? А, мана шу қўлларим билан чиритиб юбораман. Туғилганига пушаймон едиртираман

4.

сени. Қани, бу ёққа кел! Ғизилла! Яна имиллайдия қилар ишни қилиб қўйиб.

Муродали чолнинг юзидаги қамчи ўрни шундоғича сезилиб турарди.

— Нима қилибман, — деди секин Муродали чол.

— Ариқ оқсоқолга тош отдингми? Сен отгансан. Ҳамма шундай деяпти, Ариқ оқсоқол ҳам тасдиқлаяпти.

— Худо урсин, каломулло урсин, мен отганим йўқ!

— Қарғанма, яна худога соладия, занғар.

— Мана, мана қамчининг ўрни. Улиб қолишимга бир баҳя қолди, қандай қилиб отаман, хўжайин.

— Отгансан!

— Хўжайин...

Овандозбоши қамчини баланд кўтарди, лекин урмади, орқасида хўроздай хезланиб турган ясовулларга буюрди. Иккала ясовул чолни қўғирчоқдай биридан бирига иткитишар, қўлини қайириб, соқолидан тортишарди. Хосият чидаб туролмади, чолига раҳми келибми ўзини ўртага ташлади. Ясовуллар уни бир туртиб чеккага чиқариб отди, Хосият айвондаги супага қоқилиб оёғи чалишиб йиқилди.

— Отажон!

Уйнинг кўримсиз, кичкина эшик очилиб обиравон кўйлак кийган, сочлари тақимини ўпган қиз отаси томон талпинди. Овандозбошининг кўзлари рўпарасидан ой чиқиб келаётгандай тинди. Ясовулларнинг қўли ҳавода муаллақ қолди.

Ким бўлди бу моҳирўй! Яктоя якто! Ер остидан чиқдими, осмондан тушдими, ё менинг бахтим ярқ этиб очилдими! Овондозбоши Хошимжон тўранинг оғзи очилиб қолди, гўё оч бўри ҳузурига қўзичоқ ўз оёғи билан кириб келгандай, бўйнини эгиб, «Мана мени нонуштангизга енг» деяётгандай эди. Овондозбоши қўлини кўтарди, ясовуллар Муродали чолни уришдан тўхташди. Муродали чол ҳамон ўзини ўнглай олмас, сурп яктаги йиртилган, тиззалари чангга беланган эди. Адолат рўмолини пешанасига тортиброк қўйди-да, отасининг елкаларидаги чангни қоқди. Унинг «Отажон, отажон» деган нолалари овондозбошини ўртаб юборди, хаёлида лип этип қамчилаш ўрнига авраб-авайлаш, кези келса асал бериш, шу йўл билан шу хонадонга тузоқ қўйиш фикри уйғонди. Овондозбоши хаёлига келган ўйдан завқланди, секин Адолатнинг қўлтиғидан ушлаб:

— Туринг, қийналманг, жоним, — деди.

Бу сўз Адолатнинг баданини тешиб ўтди, йўқ, йўқ, музлатиб юборди. Э, воҳ қандайин ноинсоф махлуқлар бор-а! Ҳа, ҳа, улар одам эмас, одам башарасидаги махлуқлар! Йўқса отажонимни қамчилаб, онажонимни ҳақоратлаб, мени, айнан мени жонимлаб қолармиди!

Адолат отасининг қўлтиғидан ушлаб туришига кўмаклашдида, овондозбошига ғазаб, нафрат ёғдуларини сочди ва «малъун, маҳлуқ» деди.

Адолатнинг ҳақоратомуз бу сўзлари овондозбоши қулоғига «Раҳмат, ташаккур» дегандай туюлди, ҳали-замон қовоғидан ёғилган қор бирдан эриб, тобора ҳароратли нур сочаётганга ўхшарди. Ҳошимжон тўра белидаги заррин камарини тўғрилаган бўлиб, қопқора мўйловини силади. Шунда бугун кечаси учинчи тааббуқи Хожалхон билан бўлган суҳбатни эслади. Хожалхон Бачқир мударрисининг эрка, тантиқ қизи эди. Ҳошимжон тўра уйда ҳеч қандай эркалигу тантиқликни кўтармас, таллуқларини чўри ўрнида кўрар, икки гапининг бирида «Мен сени сотиб олганман, чангалимдан чиқиб бўпти, уйим сарою авахта, хоҳласам сароймга чорлайман, хоҳласам авахтада сақлайман» дерди. Кеча кечаси мана шу тантиқ Хожал нима дедию Ҳошимжон тўранинг тилини қичитди. «Ҳа, кўзингни ёғ босиб қолдими? Бунчалик ўзингни ойнага соласан» деди. «Мендан гўзалини топиб бўпсиз!» эркаланди Хожал. «Дарахтни силкитсанг қиз ёғилади ҳозир. Онаси ўлмаган бир ойимчани қўйнимга солиб қуйдирмасам» ғижинди овондозбоши. Хожал баланд келмоқчи бўлдию тилини тийди, кўзини пирпираганча соллона-соллона йироқлашди. Ҳозир Хожалнинг кўзини ўйнатувчи ойимча мана шу Адолат эди! Белининг ингичкалигини! Бир тутама бир тутам!

5.

Чап қўлингда шундоқ кўтариб атиргул искагандай искасанг. Юз-кўзлари шундай ёқимли, ёнадия, ёнади! Мана шу қўланса ҳидли чол-кампирнинг қизи эканлигига ақлинг бовар қилмайди. Ё фалак! Ё қудратингдан!

— Бас қилинсин! — буйруқ берди у ясовулларга. — Нечун бева-бечорага ноҳақ қўл кўтарасан!

Ясовулларнинг юзи бўздай оқариб каловланди.

— Буйруғингизни бажаряпмиз, тўрам!

— Қанақа буйруқ!

— Ҳозиргина ўзингиз буюриб эдингиз. Ариқ оқсоқолга тош отган нобакорнинг адабини берайлик дедингиз.

— Ёлғон! Қай пайт мен шундоқ дедим. Ахир бу беш вақт намозини канда қилмайдиган Муродали чол ариқ оқсоқолга қўл кўтарармиди. Қани, айтчи, шу одамнинг қандай ҳадди сиғади. А!

— Ўзим кўрдим, Ҳошимжон тўра!

— Э, сиз ҳам Али деса Вали деб валдираверманг. Бир ариққа миробликқилолмасангиз қандай одамсиз. Бизга ўхшаб юрт сўрайдиган бўлсангиз бошвоғингизни йўқотиб қўяркансизда. Ҳайф-е! Сизни деб келиб ўтирибмана! — Сўнг Муродали чолга яқинлашди. — Айбга буюрмайсиз, бобо! Биздан нодонлик ўтибди. Сизга яқинлашиш каминаю камтаринниг бурчи. Ҳа, ҳа, шундоқ. — Кейин Адолатга ўқринча қараб қўйди. — Сизни отам янглиғ яхши кўраман. Эрта ўтиб, индинга одам юбортираман, одам!

— Яна, яна, нимага, — каловланди Муродали чол.

— Кейин биласиз, кейин. Қани, галварслар, кетдик! — Ҳошимжон тўра ҳамчини билан ағдарма этигига уриб Ариқ оқсоқол билан ясовулларни олдига солганча ҳовлидан чиқишди.

Муродали чол билан Хосият келган бало-қазо тезроқ даф бўлганлигини ҳис қилишдию, ҳаёлларида ғужғон ўй чарх урди. Адолатнинг бошида қора қуюн тўпланаётганлигидан ҳали бехабар эди.

Эртасига Муродали чол Усмонбойдан қарз олган ўқизини қўшга қўшди. Омоч тортавериб яғир бўлган ҳўкиз юришга қийналар, оёқлари майишар, Муродали чолнинг ҳоли ундан ҳам ҳароб эди. Муродали чолнинг дили яғир эди, салкам қирқ йилдирки, Усмонбойнинг қароли, ўтган йили бир парча ер сотиб олган, эрталабдан кечгача Хосияту Адолат шу ернинг хас-хашагини, ўтини тозалар, навбати келганда суғорарди. Баҳорда она — қиз омоч билан олинган эгатлар бўйига капкирда чигит экишди, уруғ ер намига униб чиқди. Орадан кўп ўтмай учтўрт қулоқ чиқарган ниҳоллар ўтган — кетганнинг ҳавасини келтирарди.

Тиккага келган қуёш еру ниҳолни жизғанак қилгудай эди. Бўйни яғир ҳўкиз омоч тортар, кўнгли яғир чол «Ҳа чў, жонивор» дер, иккининг ҳам оёқлари майишиб борарди.

— Адол...

Адолат атрофида турналар учиб юргандек яйраб кетди. Шошиб тутқаторга қаради. Тутзор орасида Шарафиддин кулимсираб турарди. Шарафиддин йигирма ёшлардаги қотма, баланд бўйли, пешанаси кенг, кўзлари қора, қўшни йигит. У ҳам Усмонбой даласида қарол. Кўнгли тоза, меҳрибон, меҳнаткаш йигит. Бир йилдирки, Адолатнинг йўлини пойлар, дилидаги гапини айтолмай гарангсиб юрарди.

— Адол, Адол, мени кечиринг, — деди секин. — Ахир, айб менда эмас-да.

— Нега, Шарафиддин ака,— қалдирғоч қошларини чимирди Адолат.

— Қараб туролмадим, Ариқ оқсоқолнинг қилиғига... Ёқасидан бўғиб ўлдирмоқчи бўлдим. Ҳай, ҳай, деб ўзимни тутдим. Кейин, яна нима қилганимни сезмай қолибман. Яхшиям, кўлимга кичикроқ тош илинибди. Энди, нима қилолмай икки ўт орасида ёнаяпман. Менинг аламимни отангиздан олибди. Қандай қарайман Муродали тоғамнинг юзига...

— Ўтган ишга саловот...

— Минг қатла шукур, Адол. Мени, мени биласиз .Оддий одамман, чўнтагим...

6.

— Нима қипти, Шарафиддин ака.

— Лекин, лекин, айтайинми Адол. Ростини айтайинми, Адол....

— Айтинг, айтинг...

— Мен сизни... Йўқ, йўқ, иноннмайсиз. Ахир мен бир бечораҳол...

— Шарафиддин ака...

— Уйқумда халоватим йўқ. Тунлари ўйлаб чиқаман, менинг ҳам тенгим бормикин деб тўлғонаман.

— Нега?

— Нега бўларди Адол. Сизни ўйлайман. Сизни соғинаман, ҳа, ҳа, соғинаман.

Адолат жим қолди. Қиз қалбидаги уйғонган хис ўз эгасини топаётган эди. Нима десин? «Мен ҳам севаман» десинми? Йўқ, йўқ, қизлик иффати, ғурури йўл қўймайди бунга. Лекин кўнглини ўкситмаслик керак. Қандай қилиб кўнглини кўтарсам экан-а! Адолат уялинқираб ер остидан қиё боқди.

— Шарафиддин ака... — Адолат гапиролмади, яна нима деб давом эттиришга қудрати етмади. Ахир унинг қалбида икки куч яширинган эди. Бири илоҳий муҳаббат — тунлари хиёлига келтириб ўзини ўшанинг иссиқ кучоғига ташлашга интилган Шарафиддин эди. Иккинчиси — кеча тушига кирган уч бошли илон — икки ясовули билан иржайиб турган овондозбоши!

— Адол, Адол, ўтинаман, йўқ деманг, эртага одам қўяман.

— Йўқ, йўқ, кейин, кейин,— деди Адолат. — Еримизни ўтдан чиқариб олайлик. Майлими? Хўп денг. — Адолат танга даво қилувчи табассум ҳадя этди.

Шарафиддин нима қила оларди — шу табассумнинг ўзи унинг руҳини кўтариб юборди.

Камбағалнинг ови юрса — дови юрмайди. Муродали чолнинг дарвоза зулфи шақирлаганда чўчиб нима қилишини билолмай қолди. Юрак ҳовучлаб ўтирган Хосиятнинг юзи оқариб кетган, бориб дарвозани очолмади. Охири Муродали чол инқиллаб ўрнидан турди-да, оёқлари чалишиб йиқилаёзди, йўқ, иланг-биланг юриб дарвозани очди.

— Ассалому алайкум, яхшимисиз, омонмисиз, эшикларингизни супургани келдик, — деди оппоқ рўмоли учларини елкаси оша ташлаб олган пўрдоқи хотин.

Муродали чол серрайиб қолди. Бу орада Хосият етиб келиб нотаниш хотинлар билан кўришди.

— Яхши жойдан ато қилса қуллуқ деймиз-да, айланай.

— Яхши жойдан, яхши жойдан, тасаддиқ, — писанд қилмай гапирди пўрдоқи хотин. — Бошингизда бахт қуши қўниб турибди, ноз қилмайсиз, қуда.

Совчиларни айвонга таклиф қилишди. Пўрдоқи хотин оёқларини йиғиб ўтиришга қийнала-қийнала узоқ дуо қилди.

— Уйимизга келиб яхши қилибсизлар. Аммо қизимизнинг биздан бошқа тоға, аммалари бор. Уларнинг олдидан бир ўтиш керак. Яна бир келасизлар-да, айланай.

Пурдоқи хотиннинг юзи буришди.

— Калнинг нимаси бор, темир тараги бор дегандай, бунча ноз қиласиз, қуда. Биз унча-мунча жойдан келганимиз йўқ. Ҳошимжон тўрани биларсиз. Худога минг қатла шукурки, ул зотнинг ҳайри эҳсонлари туфайли оғзимиз ғарчча мой. Биз ана шу хонадоннинг маликаси бўлишга сўраб келдик.

— Вой ўлсин, ҳали Ҳошимжон тўра овондозбошигами? Гулдай қизимни кундош устига сўраб келдингизми? Чучварани хом санабсизлар. Тенг-тенги билан, тезак қопи билан дейдилар.

Бу гапни эшитиб Муродали чолнинг тепа сочи тик бўлди.

— Кеча қамчисидан қон томиб, бугун меҳрибонлик қилибди-да!

Пўрдоқи хотин ёнбошига ўгирилиб Муродали чолга деди:

— Ҳошимжон тўра ўша ишлари учун сиздан узр сўрадилар. Кейин, кейин бирингиз икки эмас, уч бўларкан. Фақат ўша куни Адолатхонни кўрибдилару, ошиқи беқарор бўлиб қолибдилар.

● *Луқма*

СУҒУРТА ХЎЖАКЎРСИНГАМИ?

Давлат суғурта идорасида иш юритувчи бўлиб ишлаётганимга бир йил ҳам бўлгани йўқ. Иш жараёнидаги бир жиҳат мени жуда ташвишлантиради. Эскича тартибга кўра, ҳамон режа — биз учун қонун бўлиб қолянти. Яъни, доимо сонли режани кўзлаб ишлаймиз. Сифатга эса ҳеч қандай эътибор йўқ.

Масалан, мен режага кўра айтайлик, транспорт соҳаси бўйича бир йилга олти фуқаронинг автомобилини суғурта қилдиришим лозим. Шу боис 40 сўм эвазига уларнинг ҳар бири билан жами 366 сўмлик суғурта шартномаси имзолайман.

Ажабланарли томони шуки, давлат нархи салкам 20 минг сўм бўлган автомобиль мабодо бутунлай шикастланган тақдирда ҳам машина эгаси суғурта идорасидан бор-йўғи 366 сўм суғурта пули олади. Ўшанда ҳам бунинг учун уч кун югуришига тўғри келади. Ҳолбуки, ҳозирги шароитда бу пулга автомобилнинг эски балонини ҳам сотиб олиб бўлмайди.

Уй ҳайвонларини суғурта қилиш усули бундан ҳам чалкаш. Яна ўша сонли режа талаби бўйича 169 бош молнинг ҳар бири эгаси билан ўртача 6 сўмдан 150 сўмлик (ваҳолонки, бу пулга бозорда молнинг калла-почасини ҳам бермайди) суғурта шартномасини тузишим шарт. 1014 сўмлик режани аслида 10 киши билан шартнома тузиб ҳам бажаришим мумкин. Бироқ 169 киши билан суғурта шартномасини имзоламагунимча режани бажарма ган ҳисобланаман. Шундай бўлгач, ўзимни ҳам, кишиларни ҳам алдаб-сулдаб бўлса-да, режани хўжакўрсинга бажариш йўлини қидираман. Бошқалар ҳам шундай қилишади.

Қоғозбозлик билан, номигагина бажарилаётган режаларимизнинг бошқа турлари ҳам худди юқоридагиларга ҳамоҳанг. Беҳудага кетаётган вақтимиз учун ачинамиз. Суғурта тизмида қачонгача иш эскичасига давом этаверарки? Биз энди мустақил давлат бўлдик-ку! Наҳотки, буни ўзгартиришнинг имкони бўлмаса?

Охунбобоев район суғурта идораси иш юритувчилари номидан

Иброҳимжон ЮСУПОВ.

— Ажойиб китоб экан...

Е. ХЎЖАМБЕРДИЕВ олган сурат-лавҳа.

ВИЛОЯТ ТЕАТРЛАРИДА

САҲНАДА— АМИР ТЕМУР

Истеъдодли шоир ва драматург Тўра Мирзо улуғ саркарда, давлат арбоби, халқларнинг бошини қовуштирган Амир Темур ҳақида пьеса ёзган эди. Ана шу асар Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилоят театрида саҳналаштирилди. Бош режиссёр Б. Назаров раҳбарлигида саҳнага олиб чиқилган янги спектаклни томошабинлар илиқ кутиб олдилар.

Спектаклдаги бош роль — Амир Темур ролини Ўзбекистон халқ артисти О. Беганжиев (кексалигини) ва жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Ҳ. Амирқулов (ёшлигини) ижро этмоқда. Сароймулкхоним образини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Л. Холиқова талқин қилди.

Асар премьерасида қатнашган Маданият вазирлиги вакиллари, вилоят адабий жамоатчилиги спектаклни намойиш этиб бориш жараёнида тузатиш зарур бўлган камчиликларни ҳам айтиб ўтдилар.

Ўзбекистонда биринчи бўлиб Амир Темур ҳақида спектакль яратган театр ижодий жамоасига муваффақиятлар тилаймиз.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

СПОРТ

ПЕШҚАДАМЛАР МАЙДОНИДА

Биринчи лига футбол жамоалари мавсумни муваффақиятли якунлашга ҳаракат қилишмоқда. Бу айниқса, кучли ўнликдан жой олиб турган жамоалар ўйинларида ўз аксини топмоқда. Жумладан, «Ротор» футболчилари ягона пешқадамликни бой бермасликка зўр беришмоқда. Улар навбатдаги учрашувни ўз майдонларида Сухуми динамочилари билан ўтказиб (2:1), жами очколарини 50 тага етказишди. Иккинчи ва учинчи ўринларда бораётган «Тилигул» ҳамда «Таврия» футбол жамоалари биттадан очко йўқотдилар. Қизиғи шундаки бу жамоалар Фарғона водийси футболчиларини қабул қилишган эди.

«Таврия» футболчилари Наманганнинг «Навбаҳор» жамоасини қабул қилиб, ҳисобни 2:2 қилишди. «Таврия» футболчиларининг йўқотган бир очкоси жамоани олтинчи ўринга тушишга мажбур этди. Навбаҳорчилар эса 37 очко билан мавқеларини янада мустаҳкамлаб олишди, Фарғонанинг «Нефтяник» футболчилари ҳам бўш келишмади. Улар «Тилигул» майдонида дуранг (0:0) ўйнаб, очколарни 37 тага етказишди.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; паотия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

УЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Ғулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАРИНИНГ ЖАМОАСИ

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 6121.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди—21.00.
№ 199.

● Узбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ●

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12